БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 7 (4405)
9 ЯНВАРЬ, 1981 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

НАМУНАЛИ ЖАМОАТ ТАРТИБИ УЧУН

БИРГАЛИКДА ҲАРАКАТ ҚИЛСАК

Шаҳримиздаги Собир Раҳимов районининг кўнгилли халқ дружиначилари — республикамиз пойтахти Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш учун бошлаган ватанпарварлик ҳаракатининг актив қатнашчиларидир.

Кўнгилли халқ дружиначилари фаолиятини янада такомиллаштиришнинг қандай йўл-йўриқлари бор? Ҳуқуқ тартиботни муҳофаза қилишда жамоатчиликнинг янада фаол қатнашиши учун нималар қилиш керак? Ана шу масалалар Ўзбекистон Компартияси Собир Раҳимов район комитети ва район ижроия комитетининг доимо диққат-марказида турибди.

— Биз бу саволларга жамоатчилик асосида ташкил топган кучларнинг кундалик иш тажрибасидан жавоб топишга ҳаракат қиламиз, — деди Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари **З. Н. Абдураҳимов** район партия комитети бюросининг кенгайтирилган мажлисида.

Саноат корхоналарининг раҳбарлари, партия, совет ходимлари, маъмурий ва жамоатчилик ташкилотларининг вакиллари кўнгилли халқ дружиналари, микроучасткалар Советлари, база ташкилотлари, жамоат тартибини муҳофаза қилишда оталиқ ёрдами кўрсатиш бўйича секцияларнинг фаолиятини муҳокама қилдилар. Участка инспекторлари, район бўлимлари, корхоналар, прокуратура, маҳаллий Совет партия ташкилотларининг ана шу масала юзасидан олиб бориладиган ишларни яхшилашнинг конкрет тадбирлари белгиланди.

Ҳуқуқ тартиботи учун курашда профилактика ишлари, маъмурий органларнинг жамоатчилик билан алоқасини мустаҳкамлаш энг яхши воситалардан ҳисобланади. Афсуски, партия, совет, хўжалик, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари бу ишга етарли даражада бирталикда, мақсадга мувофиқ, комплекс ёндошган ҳолда киришмаяптилар. Кўпчилик ҳолларда қонунбузарларга қарши етарли даражада чора кўрилмаяпти, жамият манфаатларига қарши ҳатти-ҳаракат қилувчиларга шафқат кўрсатилмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъмурий органлар бўлими мудирининг ўринбосари **У. Х. Шодиев** коммунистлар ҳузурида сўзга чиқиб, шуларни эслатиб ўтди.

1981 йилда район партия комитети маҳаллий Совет билан биргаликда асосий тадбирлар перспектив комплекс планини ишлаб чиқди. Планда профилактика ишларини янада яхшилашга, жамият манфаатларига зид ҳатти-ҳаракат қилувчиларга қарши курашни кучайтиришга қаратилган аниқ тадбирлар белгиланган.

Е. ПЕТУХОВ.

ЧИМЁН ЧОРЛАМОҚДА

- **Мазмунли ҳордиқ чиқаришда омад ёр бўлсин, дўстлар!**
- **Куйбишев районининг аҳолиси—байрам эгалари**
- **Тоғ ҳавоси—тан давоси**

«ТОҒ ҲАВОСИДЕК МУСАФФО НАРСА ЙЎҚ, У ТАНГА РОҲАТ БАҒИШЛАЙДИ, КУЧ-ҚУВВАТНИ ЎН ҲИССА ОШИРАДИ. ТОҒДА БИР КУН ДАМ ОЛГАНДАН КЕЙИН ҚИШИНИНГ ҚОБИЛИЯТИ НИҲОЯТДА ЯХШИЛАНАДИ».

МАКСИМ ГОРЬКИЙ.

Дам олиш ҳақида ғамхўрлик

10 ва 11 январь кунлари Чимёнда қишки дам олишнинг тантанали очилиш маросими бўлади. Бу байрамни ўтказиш учун жуда катта ташкилий ишлар амалга оширилди.

Меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этиш бўйича Тошкент шаҳар комиссиясининг қарори билан Чимён дам олиш зонасини навбатдаги мавсумга тайёрлаш тадбирлари, Тошкентдаги районлар меҳнаткашларининг оммавий равишда дам олиш зонасига чиқиш графиги, шунингдек, Тошкент шаҳар ижроия комитети бошқармаларининг дам олувчиларга хизмат кўрсатиши бўйича тадбирлар плани тасдиқланди.

Дам олиш зонасини тиклаш ва ремонт қилиш ишлари Тошкент шаҳри меҳнаткашларининг дам олишини ташкил этиш бўйича район комиссиялари, шаҳар ижроия комитетининг бошқармалари, шаҳардаги меҳнат коллективларининг актив иштирокида ҳашар йўли билан олиб борилди.

Жумладан, чилонзорликлар чиройли паннолар, кировликлар эса болалар чанаси сақланадиган майдонни тайёрлашди. Сергели районининг меҳнаткашлари ҳам жуда кўп ишларни амалга оширдилар. Ободонлаштириш Бош бошқармасининг бўлинмалари, айниқса, самарали меҳнат қилишди. Улар электр линияларини ремонтдан чиқардилар. Янги бадиийсиёсий паннолар ўрнатишди.

Маниий хизмат бошқармаси бу ерда ўз павильонини тиклади. Дам олувчилар чанги, чана, транзисторли радиоприемниклар ўрнатилиши мумкин.

График бўйича Чимёнга биринчи бўлиб Куйбишев районининг меҳнаткашлари чиқадилар. Улардан кейин Чилонзор районининг меҳнаткашлари дам олиш зонасининг эгаси бўладилар. Шундан кейин Октябрь, Собир Раҳимов ва бошқа районларнинг меҳнаткашлари Чимён дам олиш зонасида ҳордиқ чиқарадилар. Умуман, қишки дам олиш мавсумида бу ерда пойтахтимиздаги барча районларнинг вакиллари ҳордиқ чиқаришади.

Чимёнга дам олгани чиқадиган корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ўз вақтида Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси билан транспорт хизмати кўрсатиш бўйича шартнома тузишни унутмасликлари зарур. Утган мавсумда афсус билан айтиш керакки, раҳбарлар ва касаба союз комитетлари вакилларининг боқибеғамлиги туфайли дам олиш зонасига чиқиш кечиктирилган ҳоллар ҳам бўлди.

Тошкент пассажир транспорти Бош ишлаб чиқариш бошқармасига Чимёнга оммавий чиқишлар уюштириладиган кунларда Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси ихтиёрига 50 та автобус топшириш, транспорт воситаларининг техник жиҳатдан нуқсонсиз бўлишини таъминлаш, уларни юксак маҳоратга эга бўлган ҳайдовчилар бошқаришини таъминлаш топширилган.

Ҳаракат хавфсизлиги бўлими ва давлат автомобиль инспекцияси ходимлари зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юклатилган. Улар Чимёнга бораётган барча колонналарни кузатиб боришади.

Ҳаммага маълумки, тоғ йўлларида транспорт ҳаракатини нотўғри ташкил қилиш ёмон оқибатларга олиб келади. Бу ерда йўллар сирғанчиқ бўлади. Шунинг учун ҳам йўл хизматини юксак савияда ташкил қилиш керак. Дастлабки қор ёғиши область йўллар бошқармасининг бўлинмалари автотрассаларни ўз вақтида тартибга келтиришга улгурмаётганликларини кўрсатди.

Биз область йўл бошқармасининг ходимлари раҳбарлари бу масалага эътибор беришларини истардик. Меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этиш бўйича шаҳар комиссияси соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига Чимёнда тез ёрдам машиналарининг навбатчилигини ташкил этиш, дам олаётганлар ўртасида қишда ва тоғ шароитида амал қилиниши лозим бўлган медицина ва гигиена қоидаларини кенг пропаганда қилиш топширди.

Комиссия бу йил ҳам шаҳримиздаги Бош универсал магазини, Марказий универсал магазини, «Чилонзор» савдо маркази, «Болалар дунёси» сингари етакчи савдо корхоналарининг Чимён дам олиш зонасида сайёр савдо хизмати кўрсатишларини маъқуллади.

Бу йил янги арқон йўли ишлайди. У марказий Чимён майдонидан анча пастда жойлашган. Қияликлар тик бўлмаганлиги учун бу ерда бошловчи чанғичилар ҳам, тажрибали чанғичилар ҳам машқ қилишлари мумкин. Шу ерда чанги, чана, прокат пунктлари ташкил қилинган. Районга қарашли автоколоннадан ташқари Чимёнга келганларнинг ҳаммаси пастки зонага йўл олишади. Бу ерда улар учун шароит яратилган.

Чимёнда гидрометеорология ва атроф-муҳитни назорат қилиш республика бошқармаси ташаббуси билан бунёд этилган постлар яна ишлай бошлади. Қишки дам олиш зонасидаги об-ҳаво ва қор кўчиши ҳақидаги маълумотлар радио ва телевидение орқали бериб борилади, газеталарда эълон қилинади.

Бу йил Чимёнда жуда кўп спорт тадбирлари амалга оширилади. Спорт мусобақаларида маҳоратли спортчилар ҳам, бошловчилар ҳам иштирок этишади. Айниқса, ойлар ўртасида ўтказиладиган беллашувлар қизиқарли бўлади.

Дам олиш зонасини музика, қўшиқ, рақссиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шаҳримиздаги энг яхши бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ва коллективлари, вокал-чолғу ансамблари, солистлар, рақс группалари Чимёнда қизиқарли программа билан чиқадилар. Турли карнавалларга ва бошқа қизиқарли маданий-оммавий тадбирлар ўтказилади.

Қисқа қилиб айтганда, қишда Чимёнга келганларни қор билан қопланган қоялар, танга роҳат бағишловчи соф ҳаво, спорт беллашувлари, қизиқарли томошалар кутмоқда.

А. КОЛБИНЦЕВ,
меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этиш бўйича Тошкент шаҳар комиссиясининг масъул секретари.



ЧИМЁН... У шаҳримиздан кўзга ташланиб туради. Чимён тоғларининг чўққилари ҳамиша қор билан қопланган. Улар гўё кўкка туташиб кетгандек туюлади. Ана шу кўкка туташган қояларнинг орасида ажойиб дам олиш зонаси бор. Унинг гўзаллиги ҳаммага маълум.

Дам олиш зонасида йилнинг барча фаслларида миниқиб ҳордиқ чиқариш мумкин. Айниқса, қиш ойларида Чимён ниҳоятда гўзаллашиб кетади. Бу фаслда унинг қоя ва чўққилари оппоқ қор билан қопланади. Бу ер тоғ чанги спорти ихлосмандлари, туристлар учун маконга айланади. Чанги ва чана прокат пунктлари, кафе ва ошхона, арқон йўли ва коттеджлар уларнинг ихтиёрида бўлади. Дам олувчиларнинг кўплари палаткалар шаҳарчасида истиқомат қилишади. Бу шаҳарча дам олиш зонасининг энг хушманзара жойида жойлашган.

В. Таран фотолари.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

ЧАНҒИ ВА ПОЙАФЗАЛ ТАНЛАШ

Шундай қилиб Сиз узоқ муддатдан кейин яна Чимёнга дам олишга борасиз. Мазмунли ҳордиқ чиқариш учун ўзингизга мос келадиган чанги ва пойафзални тўғри танлай билишингиз жуда муҳимдир.

Чанги мустаҳкам, текис, синмаган, эгилувчан бўлиши керак. Одатда чанги кишининг бўйи ва оғирлигига қараб танланади. Кўпинча бу иш қуйидагича амалга оширилади. Тик қўйилган чанги юқори чўзилган қўлларнинг панжалари билан тенг бўлиши керак. Бу пойга чанғиларига тааллуқлидир. Тоғ чанғилари эса бироз қисқа ва қаттиқроқ бўлади.

Чанги таёқчалари енгил ва мустаҳкам бўлгани маъқул. Шунингдек, оёқ кийими ҳам бироз кенг бўлиши, оёқни сиқмаслиги керак. Ана шунда сиз чанғида учиб роҳатланасиз.

Сиз энг аввало чанғининг сирғалувчи томонини кўздан кечиришингиз керак. Унинг яхши сирғанишини таъминлаш учун қум қоғозда тозалашингиз, кейин уни смола билан артишингиз керак. Агар чанғингиз эски бўлса, уни аввал эски мойдан тозаланг, кейин унга янги смола сурканг. Буни кам ҳароратли оловда қиздирган ҳолда амалга ошириш керак. Бу жараён икки—уч марта такрорланади. Ана шундан кейин чанги тўқ жигарранг тусга киради.

Чанғичи учун пойафзал танлаш ҳам жуда зарур. У пухта ва чидамли бўлиши керак. Одатда пойафзал бирикки размер катта танланади. Тоққа дам олгани жўнаш олдидан пойафзални ёғ билан мойлаб қўйишни унутманг. Оёғингизга пахтадан тайёрланган ип пайпоқ, унинг устидан эса жун пайпоқ кийинг. Ана шунда Сиз мазмунли ҳордиқ чиқарасиз.

ЁДИНГИЗДА БЎЛСИН

Дам олишга жўнаш олдидан Сиз ўз саломатлигингизни сақлаш ҳақида мутахассисларнинг бир неча маслаҳатларига амал қилишингиз лозим.

Энг аввало тоғда қуёшли ҳаво бўлган тақдирда нурланиш мумкин. Бу ҳодиса юз бермаслиги учун сафарга чиқиш олдидан «Луч», «Щит» типидаги махсус кремларни олишни унутманг. Оппоқ қор устида кўп юриш кўзни толиқтиради. Бу дам олувчининг умумий саломатлигига салбий таъсир этади. Бундай ҳодиса бўлмаслиги учун қуёшдан ҳимоя қилувчи кўзойнакларни тақиб олишни ҳам эсдан чиқарманг.

МАЗМУНЛИ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШ УЧУН

Р. РИХСИЕВ,
Куйбишев район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири.

Районимиз меҳнаткашлари биринчи бўлиб Чимён дам олиш зонасида қишки ҳордиқ чиқаришни бошлаб беришмоқда. Бу шарафли бўлиш билан бирга, унинг ўзига яраша масъулияти ҳам бор. Тошкентликларнинг тоғ бағрида мазмунли ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш учун жуда катта ташкилий ишлар амалга оширилди. Энг аввало, транспорт, маданий-оммавий, медицина хизмати, умумий овқатланишни ташкил қилиш масалалари ҳал этилди.

Чимён дам олиш зонасига ҳордиқ чиқариш учун районимиздаги уч минг киши знёд аҳоли боради. Уларнинг орасида саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг ишчилари, илмий текшириш ва лойиҳалаш институтларининг ходимлари бор.

Дам олиш зонасида ҳамшаҳарларимиз учун хилма-хил маданий-оммавий за спорт тадбирлари амалга оширилади. «Чимён қиши» деб номланган оммавий сайил бўлади. Бу сайилда дам олувчилар Қорбобо, Қорқиз билан учрашадилар. Дам олувчиларга духовой оркестр ва миллий музика асбоблари оркестрлари хизмат кўрсатади. Бу ерда энг яхши рақс ва қўшиқ учун конкурслар ташкил этилади, голиб чиққанлар мукофотлар билан тақдирланадилар.

Энг муҳими—хавфсизлик

А. ИУЛДОШЕВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси йўл назорати хизмати бўлимининг бошлиғи.

Чимёнда қишки мавсумнинг бошланиши олдидан давлат автомобиль инспекциясининг ходимлари, пойтахтимиздаги автокорхоналарнинг ходимлари билан биргаликда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида жуда кўп тадбирларни амалга оширишди.

Дарҳақиқат тоғда жуда ҳушёр бўлиш керак. Шу боисдан ҳам биз дам олиш зонасига олиб борадиган йўлларни синчиклаб текшириб чиқдик.

Техникани тайёрлашга алоҳида аҳамият берилди. Автобус паркларидаги юзлаб автобуслар синчиклаб назоратдан ўтказилди. Барча автобуслар аптечкалар ва ёнғиннинг олдини олиш воситалари билан жиҳозланди. Ҳайдовчилар состави билан ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича кенг тушунтириш ишлари олиб борилди.

Энди қишки дам олиш зонасига боришдаги ҳаракат тартиби ҳақида тўхталайлик. Автобуслар колонна бўйлаб ҳаракат қиладилар. Автобусларнинг орасидаги оралиқ масофа юз метр бўлиши шарт. Колоннада бораётган автобусларнинг ҳайдовчилари тезликни соатига 40 километрдан оширмасликлари зарур. Колонна ҳаракатига тўсқинлик бермаслик учун қаршн томондан келаётган барча машиналарнинг ҳайдовчилари ўз машиналарини ўнг томонга чиқариб тўхтатишлари ва колоннани ўтказиб юборишлари шарт.

Тошкентлик дам олиш иштиёқмандлари ўтирган автобуслар колоннасини Давлат автомобиль инспекцияси бошқармасининг энг тажрибали ходимлари кузатиб боришади. Улар колонна йўлга чиқиши олдидан автобуслар техник ҳолатини яна бир марта синчиклаб назоратдан ўтказадилар. Шу боисдан ҳам автокорхоналарнинг раҳбарлари ва ҳаракат хавфсизлиги инженерлари транспорт воситаларининг ҳар жиҳатдан тайёр бўлиши чораларини кўрмоқлари лозим.

ҚИЯЛИКЛАРДА ҲУШЁР БЎЛИНГ

Тоғда сайр қилиш, дам олишнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор. Шунинг учун ҳам дам олиш зоналарида ҳушёр бўлиш керак. Энг аввало йўлни ўзингизнинг имкониятларингиздан келиб чиққан ҳолда танланг. Тик қияликлардан бирданига сирғаниш хавфдан холи эмас. Аввал ўз имкониятларингизни пасттекисликларда синаб кўринг.

Тоғ шароитида масофани, қияликнинг баландлигини аниқлаш ниҳоятда қийин. Шунинг учун ҳам тик қияликлардан бирданига пастга сирғаниш ёмон оқибатларга олиб келади. Яна бир нарсага аҳамият беринг. Чанги йўлкасида одамлар бўлмаган тақдирдагина сирғанишни бошланг. Бу қоидага амал қилмаслик тўқнашувларга, турли жароҳатларга сабаб бўлиши мумкин. Шу боисдан ҳам доимо машғулотни бошлаш олдидан чанги йўлкасини синчиклаб кўздан кечиринг.

СОВРИН КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?

Э. ИСМОИЛОВ,
Куйбишев район спорт комитетининг раиси.

Чимён дам олувчиларни кутмоқда. У ҳар жиҳатдан тошкентликларнинг маданий ва мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун тайёр! Қишки дам олиш мавсумининг бошланиши олдидан ўтказилган планёрка қатнашчилари ана шундай фикрга келишди.

Дам олиш зонасида катта спорт байрами бўлади. Бу байрам программасидан оғир тошларни кўтариш, стол тенниси, шахмат, футбол бўйича турнир ўтказиш жой олган. Мавсум очилишига бағишланган соврин учун чанги спорти бўйича шаҳар шахсий биринчилиги ўтказилади.

Бу йил чанғида учиш сирларини ўргатувчи инструкторларни тайёрлашга алоҳида аҳамият берилди. Улар дам олувчиларга ҳар томонлама ёрдам беришади. Оммавий физкультура ишларини ташкил қилишга бошқош бўладилар.

Шундай қилиб, дам олиш зонасида спорт байрами бошланмоқда. Бу байрамда катталар ҳам, ёшлар ҳам иштирок этишлари мумкин. Байрамнинг шиори «Ғолибларга — мукофот, ҳаммага — саломатлик»дир.

Чимён тоғларининг ўзига хос манзараси азалдан рассомлар, шоирлар, ёзувчиларнинг эътиборини жалб қилиб келган. Чимённинг гўзаллиги ўнлаб полотнолар, шеърлар, китобларнинг ёзилишига манба бўлган.

СУРАТДА: рассом В. Вороничнинг «Чимёнда баҳор» полотносидан репродукция.

Р. Загратдинов фотоси.

ЧИМЁН ОБ-ҲАВОСИ

Бугун Чимёнда ҳаво кам булутли бўлиб, жанубий-шарқдан секундига 3—8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2—7 даражагача совуқ бўлади. 10—11 январда вақти-вақти билан булутланиб туради, якшанба куни бироз қор ёғади. Ғарбдан секундига 5—10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2—7 даража совуқ, кундузи эса 3 даража совуқдан 2 даражагача иссиқ бўлади. Қор кўчкилари кутилмайди.

ТОҒГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ Уртоқ Л. И. Брежнев Братск-Усть-Илим территориал-ишлаб чиқариш комплексини бунёд этишда иштирок этаётган қурувчиларни, монтажчиларни, лойиҳачиларни, ишга туширувчиларни, комплекснинг барча қатнашчиларини Усть-Илим гидроэлектростанциясини ишга қурилиши тугалланганлиги ва ҳар йили 250 минг тонна оқланган целлюлоза ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган Усть-Илим целлюлоза заводининг биринчи навбати ишга туширилганлиги муносабати билан самимий табриклайди.

XXVI

Партия режалари — халқ режалари

АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР ЛОЙИҲАСИ — УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

ҒАМХЎРЛИККА ЖАВОБАН

Жонажон партиямиз ўн биринчи беш йилликда ва ундан кейинги йилларда ишловчи аёлларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик кўрсатишни кўзда тутганлиги бизни жуда кувонтириб юборди. Коллектив бўлиб КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига асосий йўналишлар лойиҳасини муҳокама этар эканмиз, ундаги болалик оилалар, ишловчи аёлларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш тўғрисидаги қўйидаги сўзлар айнан биз, ишчи аёллар тўғрисида кўрсатилган ғамхўрлик деб билдик.

«Ишловчи аёллар учун мамлакат районларига қараб 1981 йилдан бошлаб бола бир ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилишга қисман пул тўланадиган отпуска жорий этилсин.

Гўдаклари бўлган аёлларга тўлиқ бўлмаган иш кунида ёки тўлиқ бўлмаган иш ҳафтасида, узлуксиз графикка мувофиқ, шунингдек, уйда ишлаш имконияти яратилсин. Рўзғордаги меҳнатни енгиллаштиришга доир самарали чоралар кўрилсин. Ҳомиладор аёллар учун ихтисослаштирилган профилакторийлар сони анча кўпайтирилсин».

Бизнинг кўп минг кишилик коллективимиз асосан аёллардан ташкил топган. Биз, ишчи аёллар, фарзандларимиз учун мактабгача ёшдаги болалар муассасаларини кенгайтириш тўғрисида ғамхўрлик кўрсатаётганлиги учун партиямизга ташаккур айтамиз. Ана шу ғамхўрликка жавобан зардбдорона меҳнат қилаверамиз.

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи биринчилардан бўлиб «КПСС XXVI съездига — 26 зардбор ҳафта» шиори остида меҳнат вахтасини бошлаган ва уни давом эттирмоқда. Биз кун сайин ютуқларга эришяпмиз.

Ўнинчи беш йилликкa ясалган зардбор якун ўн биринчи беш йилликда самарали меҳнат қилишимиз учун асос бўляпти. Беш йиллик топшириқни муддатидан қариб икки ой илгари адо этган трикотажчилар беш йиллик планга қўшимча равишда савдо ташкилотларига 12 миллион сўмликдан зиёд сифатли трикотаж буюмлар етказиб бердилар. Шуниси қувончлики, ишлаб чиқарилаётган умумий маҳсулотнинг 67 процентини севимли болаларимиз учун тайёрланган кийим-кечаклар ташкил этмоқда.

Коллектив ўртасида бошланган социалистик мусобақада халқ депутатлари олдинги safда боришмоқда. Энг яхшиларининг яхшиларидан йигирмадан ортиқ киши халқ депутати қилиб сайланган. Шулардан бири ўнлар ташаббуси қатнашчиси, шаҳар Совети депутати Ш. Ҳолмуҳамедовадир. У қатори қўплаб депутатлар бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқларини адо этдилар. Бирлашмадаги депутатлик группаси янги ташаббус билан чиқди: «Биринчи квартал планини — 23 февралга бажариш» шиори ҳозир бирлашманинг ҳамма участкаларига ёйилган. Бу, Коммунистик партиямизнинг ишловчи аёллар тўғрисида кўрсатаётган ғамхўрлигига амалий жавобимиздир.

М. САИДХУЖАЕВА,
«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчиси. Тошкент шаҳар Совети депутати.

«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасини ҳар томонлама, чуқур ўрганишга партия ўқуви ва иқтисодий таълим шохобчаларида катта эътибор бериляпти. Унинг ҳар бир бўлим ва банди юзасидан қизиқарли машғулотлар олиб бориляпти.

Бизнинг бирлашмамиз пропагандистлари ҳам бу муҳим ҳужжатни ҳар бир киши онгига етказишга интилмоқдалар. Ҳозирги дайтда биз учун бу лойиҳани меҳнат коллективлари олдида турган вазифалар билан узвий боғлаб олиб бориш, умумланмалар чиқара билиш қоятда муҳим ҳисобланади. Биз шуни яхши тушунамизки, тингловчиларда мамлакатимизда рўй бераётган улкан бунёдкорлик ўзгаришлари ҳар бир меҳнатчи қўшаётган шахсий ҳиссага бевосита боғлиқлигини тингловчиларга етказиш лозим. Ҳар бир тингловчида ижодий изланиш, резервларни муттасил излаб топиш, ўн биринчи беш йилликда ўз зиммасига конкрет социалистик мажбурият олиш иштиёқини кучайтириш биз, пропагандистларнинг биринчи галдаги бурчимиздир.

Идеология ишлари хроникаси

МУҲИМ ҲУЖЖАТ АСОСИДА

Корхонамизда Эдуард Богомолов, Любовь Звягинева сингари моҳир пропагандистлар ўзларининг бой билимлари ва қобилиятларини ҳар бир машғулотни қизиқарли ва жонли ўтказишга бағишлашяпти. Бирлашма партия комитети эса бизни бутун коллектив эришаётган ютуқлар, илғор иш тажрибаларни ҳақида мунтазам ахборот материаллари билан таъминлаб турибди. Масалан, мен пропагандистлик қилаётган 6-цехимизда корхонанинг етук мутахассислари, ишлаб чиқариш илғорлари билан мунтазам учрашувлар ўтказилянти. Пропагандистларга ёрдам сифатида «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳаси юзасидан материаллар тайёрлаб берилянти.

Лойиҳада: **«Беш йиллик планнинг тегишли йилга мўлжалланган топшириқларидан ошиб кетадиган муқобил планларни ишлаб чиқиш ва бажариш ҳаракати ривожлантирилсин»** дейилган. Мен марксизм-ленинизм асослари мактабида олиб бораётган машғулотларимда тингловчиларнинг меҳнат ва сиёсий активликларини янада оширишга, қўргазмали ва техник воситалардан унумли фойдаланишга, уларнинг машғулотларда олган билимлари ишлаб чиқариш фаолиятларида қанчалик аҳамият касб этаётганига катта эътибор берямман. Чунки барча олинган билимлар, тўпланган тажрибалар беш йилликкa хизмат қилиши лозим. Шунинг учун ҳам ҳар бир машғулотимиз бевосита ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки кунларидаёқ зиммага олинган топшириқлар қандай бажарилаётганлиги муҳокамасига айланиб кетмоқда. Слесарь С. Вортанова, мастер О. Приветская сингари актив тингловчилар бутун бирлашмамиз ишчилари ўртасида обрў-эътибор қозонишган. КПСС Марказий Комитетининг бу муҳим ҳужжати барчамизни янги меҳнат зафарларига чорламоқда.

В. ПРИХОДКО,
«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси пропагандисти.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

М. ҚОБИЛОВ, А. ТАНИҚУЛОВ, Ж. ЖАББОРОВ, Ш. ЗОКИРОВ ва бошқалар: Биз 128-ҳунар-техника билим юртида автослесарлик касбига ўқимоқдамиз. Бу касбни ўрганиш билан бирга ўқишдан ажралмаган ҳолда шоферлик курсида ўқимоқчи эдик. Бунинг учун қаерга мурожаат қилишимиз керак?

Жавоб: Тошкент шаҳар автоҳаваскорлар жамиятининг автомобиль мактабида кечки шоферлик курслари ишлаб турибди. Ана шу группада ўқишни хоҳловчилар ўзлари истиқомат қилиб турган район ижроия комитетидаги автоҳаваскорлар жамияти район советининг раисига мурожаат қилишлари керак. Жамиятга аъзо бўлганлар шоферлик курсларига қабул қилинади.

***

Т. ФАЙЗИЕВ: Мен дутор чалишни жуда яхши кўраман. Шуни ўрганиш учун қайси тўгаракда қатнашишим керак?

Жавоб: Шаҳримиздаги болалар музика мактабларида ҳар хил чолғу асбобларини ўрганиш мумкин. Бундай мактабларда машғулотлар етти йиллик программа асосида олиб борилади. Шаҳримиз мактабларининг ўқувчилари ўзларининг дарс вақтларига қараб ўқишдан ажралмаган ҳолда чолғу асбобларини чалишни ўрганишлари мумкин. Бундай музика мактаблари шаҳримизнинг барча районларида жойлашган. Фурқат кўчасидаги янги Пионерлар саройида ҳам ана шундай тўгараклардан бир қанчаси ишламоқда.

∴∴∴

Б. УСМОНОВ: Яқинда эҳтиётсизлик қилиб куртканинг замогини бузиб қўйдим. Шуни қаерда тузаттириш мумкин?

Жавоб: Бунинг учун вокзал яқинидаги «Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш уйига ёки Госпитал бозори ёнидаги ателье уйига мурожаат қилишингиз мумкин. Ўзингизга керакли қўшимча маълумотларни билиш учун 33-14-44 рақамли телефонга қўнғироқ қилинг.

***

А. ДУСИМБЕТОВА: Яқинда тилла зирагимнинг биттасини йўқотиб қўйдим. Худди шу зирагимга ўхшаш зирак ясаб берадиган заргарлик устахонаси борми?

Жавоб: Весна кўчаси, 223-уйда «Техсложбитприбор» ишлаб чиқариш бирлашмаси жойлашган. Сиз ана шу ердаги заргарлик бўлимига мурожаат қилиб, ўзингиз истаган кўринишдаги зирагинг бир донасини буюртма қилишингиз мумкин. Фақат зирак учун кетадиган тиллани ўзингиз олиб боришингиз керак.

***

П. ВОҲИТОВ: Мен Хива шаҳрида яшайман. Агар мумкин бўлса республикамиз пойтахтидаги овозларни ёзиб оладиган пунктнинг адресини бер сангиз.

Жавоб: Шаҳар «Зангори экран» ательесига қарашли бундай пунктларнинг ўндан ортиғи шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатмоқда. Сиз бунинг учун Чилонзор районидаги Пионер кўчаси 27-уйда жойлашган шаҳар «Зангори экран» ательесига мурожаат қилинг.

∴∴∴

Н. ҲАКИМОВА: Мен Охунбобоев номидаги маданият уйида бир йиллик бичиш ва тикиш курсида ўқиямман. Менга тикув машинаси зарур бўлиб колди. Шуни каердан олишим мумкин?

Жавоб: Олой бозорида ихтисослаштирилган тикув машинаси магазини ишлаб турибди. Бу ерда барча турдаги тикув машиналарини кўриб, ўзингиз ёктирганини харид қилишингиз мумкин.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

Тошкент оқшоми — хатлар

✦ БУЮК РЕЖАЛАР, ИЛҲОМБАХШ ИСТИҚБОЛЛАР.
✦ ДЕПУТАТ БОШЛИҚ КОЛЛЕКТИВ МУВАФФАҚИЯТИ.
✦ «ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ» МАЙДОНИДА ҚУРИЛАДИ.
✦ ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗЛАР.

МАТБААМИЗ ЖОНКУЯРЛАРИ

Юксакликка интилиб

Бугунги кунда республикамиз бўлмади, — деб хотирлайди босмахонанинг кекса ишчиларидан бири, коммунист Фотих Иброҳимов. — Дастлабки йиллари бир йилда фақат ўзбек ва рус тилларида 250 лист-оттиск босма нашрлари чоп этиларди. Чунки ўшанда босмахонамизда ҳали нормал ишлаш учун шарт-шароитлар етарли эмасди. Дастгоҳлар кам, асосий ишлар қўл кучи ёрдамида бажариларди. Бунинг устига-устак коллектив таркоқ, уюшмаган эди. Биз коммунистлар етакчилигида ишни бутунлай бошқача ташкил этишга киришдик. Иқтисодий аҳвол яхшиланди, мусобақанинг таъсирчанлиги ошди, интизом мустаҳкамланди, янги дастгоҳлар ўрнатилди. Натижада босмахонамиз қолоқликдан илғорликка чиқа бошлади. Албатта, буларнинг ҳаммасида коллектив етакчиси Т. Обидовнинг катта хизматлари бор.

Бугунги кунда босмахона республикамиз матбаачилигидаги етакчи корхоналардан бирига айланди. Унда «Узбекистон», «Ўқитувчи», «Внешторгиздат», «Прогресс», «Медицина» каби нашриётларнинг буюртмалари амалга оширилмоқда. Босмахона коллективи КПСС XXVI съезди шарафига бошланган «КПСС XXVI съездига — 26 зардбор ҳафта» шиори остидаги мусобақада актив иштирок этиб, ўнинчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари — 4 декабрда муваффақиятли бажарди. Ўтган беш йилликда мобайнида 6,5 миллион сўмликдан зиёд босма маҳсулотлари реализация қилинди. Коллективнинг ғайрат-шижоати туфайли матбаачилар вақтдан ўзиб ишлаш имконига эга бўлмоқдалар. Ҳозир коллективнинг меҳнат календарида 1981 йилнинг февраль ойи бошланди.

Бунда коллективнинг илғорлари — машинада ҳарф терувчилар Н. Красикова, Д. Худойбердиева, қўлда ҳарф терувчилар Т. Бойжуротов, М. Маҳмудов, печатниклар М. Дадахонов, О. Қосимов, муқоваловчилар Ф. Абдурахмонова, Ш. Маҳмудова кабиларнинг ҳиссалари каттадир. Бу илғорлар шахсий беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этишиб, коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номни оқладилар.

Йилдан-йилга босмахонада чет тилларда китоблар чоп этиш жорий этилмоқда. Яқинда яна бир тилда — дари тилида китоб чоп этиш йўлга қўйилди.

— Коллективимиз, — дейди Туҳфатулла Обидов, — биз билан бўлган суҳбатда, шаҳардаги илғор меҳнат коллективларининг ташаббусига қўшилиб, КПСС XXVI съездини муносиб меҳнат армуғонлари билан кутиб олиш учун ҳаракат қилмоқда. Бунинг учун бизда пухта замин бор. Янги йилни юксак суръат билан бошлаган матбаачиларимиз съезд очиладиган кунгача икки ойлик топшириқни шараф билан уддалайдилар.

Ҳа, коллектив ўз сўзининг устидан сўзсиз чиқади. Чунки бу коллектив ўзига хос шонли йўлни босиб ўтиб, бу соҳада бой тажриба тўпладi. Унга «Ҳурмат белгиси» ордени кавалери, коммунист, Киров район Советининг депутати моҳир матбаачи Т. Обидов раҳбарлик қилмоқда.

С. ҲАСАНОВА.

✦ *Лўқма*

БАҲОНА

15 кундирки, 2-Улуғбек проездига қарашли Беҳзод кўчасига почтальон онда-сонда келадиган бўлиб колди. Шу муносабат билан биз бир неча маротаба алоқа ходимларига, раҳбарларига илтимос билан чиқиб, бу ҳолга чек қўйишларини сўрадик. Бирок у ердаги ўртоқларнинг аксари бизга баҳонани рўкач қилмоқдалар:

— Эртага албатта почтальон боради.

— Почтальонимиз кўниб кетган, ҳали ўрнига одам топганимизча йўк.

Мана улар аҳолини шундай усулда тинчлантириб келмоқдалар.

Хўш, 42-алоқа бўлимида қачонгача меҳнаткашларга газета-журналлар ўз вақтида келтирилмайди?

Б. ЭГАМБЕРДИЕВ, С. ЭГАМБЕРДИЕВА, У. РАҲИМОВ.

Тошкент тажриба пилланашлик фабрикасида жуда кўп ёшлар меҳнат қилишади. Улар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш учун олиб борилаётган курашда жонбозлик кўрсатишмоқда.

СУРАТДА: (чапдан) ўровчи М. Эргашева ва М. Зиявеларни кўриб турибсиз. Улар КПСС XXVI съезди шарафига бошланган мусобақада пешқадамлар safида боришмоқда.

И. Шоиноғомов фотоси.

МЕЪМОРЛАР УСТАХОНАСИДА

Майдоннинг эртанги қиёфаси

Комплекс реконструкциядан чиқаётган «Халқлар дўстлиги» майдони эндиликда пойтахтимизнинг энг гўзал жойларидан бирига айланмоқда. Манзарали ноёб дов-дарахтлар, чиройли фонтанчалар билан гўзаллашаётган майдоннинг бир томонида «Олмазор» микрорайонининг муҳташам турар-жойлари, яна бир томонда эса 4 минг ўринли кино-концерт залининг хушқад бинои қад ростлаб турибди.

«Ташгипрогор» лойиҳалаш институтининг меъморлари шу кунларда майдоннинг шимолий ва ғарбий томонларида қуриладиган объектлар устида иш олиб боришмоқда. 8-ижодий устахонанинг бош архитектори М. Ойнабеков ва бош инженер В. Ярошевичлардан иборат ижодий коллективи Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети капитал қурилиш Бош бошқармасининг буюртмаси асосида дастлабки қаватларида майший хизмат объектлари жойлашадиган турар-жой бинолари комплексини лойиҳаладилар. Йирик панелли секцияли блоклардан қад кўтарадиган тўққиз қаватли бинолар майдоннинг шимолий-ғарбий қисмида бурчак шаклида жойлашади. Улар асосан учта блокдан иборат. 96 квартирали биринчи блокнинг дастлабки қаватида 50 минг китобга мўлжалланган болалар кутубхонаси ва китоб магазини бўлади.

Иккинчи 96 квартирали турар жой биносининг дастлабки қаватида эса санитария техника жиҳозлари магазини жойлашади. 64 квартирали уй-жой комплекси учинчи блокда бўлиб, унинг биринчи қаватида «Гуллар» магазини ҳамда комплекс қабул пунктини жойлаштириш кўзда тутилмоқда.

Бу бинолар атрофи ҳар жиҳатдан ободонлаштирилади ва кичик архитектура элементлари билан гўзаллаштирилади. Биноларнинг ташқи қиёфасида эса «Халқлар дўстлиги» майдони комплексига кирувчи уй-жойлар қиёфасига уйғунлик сақланади. Айни пайтда сопол плиталар, сайқалланган ғишт, мармар бўлаклари билан пардоз бериш каби ишлар амалга оширилади.

Ҳозирги пайтда Тошкент қурилиш Бош бошқармасининг бунёдкорлари «Халқлар дўстлиги» майдонининг шимолинжанубий қисмида 6 ва 8-турар жой биноларини бунёд этишмоқда. Тез орада биз юқорида айтиб ўтган уй-жой комплекслари ана шу бинолар ёнидан жой олади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Архитектура-планлаштириш Бош бошқармасининг Шаҳарсозлик Совети «Ташгипрогор» институти меъморлари томонидан тайёрланган янги уй-жой комплекслари лойиҳасига юксак баҳо берди.

Т. ҲАКИМОВ,
инженер.

Пойтахт областининг Тошкент районидаги К. Маркс номли колхоз теплица хўжалиги ҳамшаҳарларимизга цитрус ва сабзавот маҳсулотларини пешма-пеш етказиб турибди. Шу кунгача тошкентликларга теплицадан 900 тонна бодринг, юз минг дона лимон етказиб берилди.

СУРАТЛАРДА: чапда — лимончилар бригадири Асом Ҳидоятов ва лимончи Акром Ёдгоров етилган лимон ҳосилини кўздан кечиришяпти; ўнгда — теплицанинг илғор ишчиси КПСС аъзоси Раъно Сулаймонова.

Ж. Тўраев фотолари.

Ҳам куласиз, ҳам куясиз

«Йўлингдан қолма»

Модомики бундай антиқа воқеалар бўлиб турар экан, уларга қарши чора кўрилмаса бўлмайди. Шунақа ҳодисалардан бири 17 ноябрь куни бўлиб ўтди. Республика давлат план комитетининг катта илмий ходими Раҳмонқул Усмонов шу куни кеч соат 23.20 да шаҳар вокзали олдидаги такси бекатига келиб навбат кутди. Навбати етгач 91—96 ТНП номерли таксига ўтирди.

— Чилонзор районига. Зуҳра кўчасига олиб борсангиз, — деди илтимос қилиб.

Ҳайдовчи таксини жилдирди. Бирок, Санъат музейи яқинига келганда тўсатдан машинани тўхтатди.

— Бир машинани бўшатиб қўйсангиз.

Йўловчи ҳайрон бўлди.

— Ярим кеча бўлди. Мен уйимга боришим керак.

— Мен ҳам уйимга боришим керак.

— Тўғри, лекин сиз хизматингизни ўтаяпсиз-ку.

— Мен «Тошкент» меҳмонхонаси олдидаги диспетчерлик пунктига бориб йўл варақасига қўл қўйдиришим керак. Диспетчер олдига йўловчисиз боришим шарт.

— Унда мен нима қилишим керак?

— Йўлингиздан қолмай жўнайверинг.

Йўловчи ўзининг гапини айтди. ҳайдовчи ўзиникини маъқуллади, икки орада асабвозлик бўлди. Охири «Тошкент» меҳмонхонаси олдидаги диспетчерлик пунктига етиб келишди. Йўловчи бўлган воқеани гапирган эди диспетчер ўзиникини маъқуллади:

— Машина бошқа жойга бориши керак.

Р. Усмонов шу ерда навбатни тартибга солиб турган бошқа диспетчерга илтимос қила бошлади:

— Ахир ярим кечада машинадан тушириб қолдиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ-ку.

Бу диспетчер ҳам ҳайдовчини ҳимоя килди:

— Энди, огайни, қайтадан навбатга туриасиз.

Энди йўловчининг ҳам жаҳли чиқди:

— Шикоят дафтарини беринг!

— Қара, саводинг чиқиб қопти-ку! — деди диспетчер уни масхара қилиб. — Қўлингдан келса таксопаркка мурожаат қил. Биз буларга хўжайин эмасмиз.

Хуллас ярим кечадан ошганида йўловчи уйига амаллаб етиб олди. На хайдовчининг, на диспетчерларнинг фамилиясини била олди.

«Таксидан фойдаланиш қоидаларида йўловчини хохлаган жойга ташлаб кетиш ҳуқуқи бironта шоферга берилган эмас, — деб ёзибди шикоятчи Р. Усмонов. — Бунинг устига диспетчерлар ҳам бир томонга ўтиб олиб қўпол муомала қилиши айниқса ҳақоратли туюлар экан. Мен-ку майли. Ўринмда болали аёл ёки кекса бирон киши бўлганида аҳволи нима кечар эди?»

Шикоятчининг фикрлари ўринли. Чиндан ҳам таксичилар орасида, афсуски, ана шундай ўзбошимчалар учраб туради. Кўп шаҳарларда такси кабинасининг ўзига ҳайдовчининг шахсий гуҳоҳномаси кўринарли жойга қўйиб қўйилади. Йўловчи кимнинг машинасида кетаётганини аниқ билиб туради. Бундан ташқари мабодо шундай келишмовчиликлар пайдо бўлса қайси телефон номерида кимга шикоят қилиш лозимлиги, ҳайдовчи қачон паркка қайтиши ҳам аниқ кўрсатилади. Биздаги айрим таксопарклар да шундай тажрибанинг бир қисми қўлланилмоқда. Бирок ҳамма ўринда ҳам такси хизмати яхши деб бўлмайди. Юқоридаги мисолнинг ўзи шундан далолат беради. 91—96 ТНП такси машинаси тегишли бўлган парк раҳбарлари 17 ноябрь куни кечаси ким навбатчилик килганини аниқлашлари унчалик қийин эмас. Худди ўша куни «Тошкент» меҳмонхонаси олдида турган диспетчерларни топиш ҳам мушкул иш бўлмаса керак. Улар билан яхшигина гаплашиб олинса бошқаларга ҳам сабоқ бўлади, деб ўйлаймиз.

ҲУШЕРБЕК.

✦ ИСТЕҲЗОЛИ ХАТЛАР

ЮЛҒИЧ

Студентлар шаҳарчасида «Илғор» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли пойафзал ремонт қиладиган 510-устахона бор. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бу ерда ишлаётганлар ҳар қандай юлғичга дарс беришади.

Яқинда ТошДУ студенти қишки ботинкасини кўтариб, устанинг олдига келди.

— Кел, акаси, хўш хизмат, — уста студентнинг гоҳ оёғига, гоҳ кўлига қаради.

— Шунинг пошнасини сал кўтариб берсангиз.

— Хўп бўлади.

Уста ҳаш-паш дегунча пошна қўйиб михлаб ташлади.

— Мана, акаси жонидан, тайёр. 2 сўм 18 тийин бўлади.

— Қанча? — норози оҳангда сўради студент.

— 2 сўм 18 тийин! — кўзлари олайиб таъкидлади уста. Студент чўнтагидан 2 сўм чиқариб устага узатди.

— Бори шу экан...

— Майли, тангасини кейин ташлаб кетиш эсингдан чиқмасин!

Юлғич усталарнинг яна бир «фазилат»и бор. Уларга сал ёқмай қолсангиз ёки гап қайтарсангиз тамом, ўша замон тўнини тескари кийиб олишади-да, ишингизни битириб беришмайди. Уларнинг исм-фамилиясини айтиб ўтирмадик. Чунки студентлар шаҳарчасида уларни ҳамма танийди. Шуни айтишимиз керакки, бу икки «уста» ўртасидаги мусобақа қамон қизғин давом этяпти. Бунга қачон барҳам берилади?

Қ. ТЎРАҚУЛОВ,
У. ХУДОЙБЕРДИЕВ,
ТошДУ студентлари.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Гуллаётган шаҳримизнинг Бешқайрағоч массивидаги аҳоли учун яна бир қулайлик яратилди. 26-кварталдан Бешқайрағоч массивига қатнайдиган 17-трамвай маршрути янги йил арафасида ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсата бошлади.

Акмал Икромов райони билан Чилонзор районини бир-бирига боғлайдиган бу янги маршрут хизматидан массивдаги юз минглаб йўловчилар миннатдор бўлишмоқда.

Л. ҲАМИДОВ,
пенсионер.

...ТАНКИД ҚИЛАДИ

ЗОРА ХАБАР ОЛИШСА...

Биз истиқомат қилаётган Акмал Икромов районидаги 1-Ҳамкор проездида илғарилари чироқлар ёниб-ўчиб турарди. Ленин ўтган ойдан бошлаб чироқлар бўлмай қолянти. Шуни айтиш керакки, оқшом чўкиши билан чироқларимиз ўчади-ю, ярим тунда ёнади. Ахир қачонгача кечқурун чироқсиз ўтирамиз? Шаҳар электр тармоқлари корхонасининг раҳбарлари бизнинг проездимизда чироқларни мунтазам ёқишни қачон таъминлашади?

М. АҲМЕДОВ,
санъатшунос.

БИР КЎЧАДА 32 ЧУҚУР

Киров районидаги Киев, Тўхтасин Жалилов, Абу Али ибн Сино ва бошқа кўчаларга асфальт ётқизилганига йигирма йил бўлди. Кўчани ҳам, иморатни ҳам ўз вақтида ремонт қилиб турмаса, ишдан чиқишдан сўнг уни тузатиш жуда амримаҳол. Бунга мисол тариқасида Тўхтасин Жалилов кўчасидаги ўттиз иккита чуқурни кўрсатиш мумкин. Кўча бошланишидан ичкарига кирган ҳар бир транспорт ҳайдовчиси бу кўчадан тезроқ чиқиб кетсам дейди.

Киров район ободонлаштириш бошқармаси раҳбарлари қачон бу кўчани ремонт қилишиб, кўчага асфальт ётқизишади?

А. НАБИХУЖАЕВ,
жамоатчи мухбир.

✧ РАССОМ ШАРХИ

Қаердан юрамиз?

Собир Раҳимов районидаги Қорасарой кўчасининг 2-Калинин мавзуида «Марказ-22» квартали қурилиши бошланганига беш йил бўлди. Мана шундан бери бу ерда турувчи аҳоли уйларига кириб-чиқишга жуда қийналишмоқда. Негаки, қурувчилар кўчани бузиб котлованга қўшиб юборишган. Мактаб ва богчага борувчи фарзандларимиз, айниқса кампялар уйларига кириб-чиқиш учун дуч келган ердан, уюм-уюм тупроқлар ва чуқурлар ёнидан юришга мажбур бўлишмоқда. Бу ҳақда Собир Раҳимов район ободонлаштириш бошқармасидагиларга хабар қилинди. Лекин халигача ҳеч қандай чора кўрилгани йўк.



Ҳ. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
хизматчи.

Китоблар оламида

ЎРТА ОСИЁЛИК БУЮК ОЛИМ

Ибн Сино юбилейини ўтказиш Бутииттифоқ ташкилий комитетининг раиси, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, академик П. Н. Федосеев, — юбилейнинг мақсад ва вазифаси бу улуғ сиймонинг хизматини эслаб ўтишдангина иборат бўлмай, балки унинг илмий меросини кенг ўрганишга ёрдамлашиш ва унинг жаҳон фани тараққиёти тарихида тутган ўрнини очиб берувчи чуқур тадқиқотлар ўтказишдан иборат, — деган эди.

Дарҳақиқат, 1980 йил сентябрь ойида Ибн Сино таваллудига 1000 йил тўлиши муносабати билан Москва, Тошкент, Душанбе, Бухоро ва Иттифоқимизнинг бошқа шаҳарларида ўтказилган юбилей ҳамда шу муносабат билан нашр эттирилган асарлар, ташкил қилинган кўргазмалар совет олимларининг мазкур вазифаларни юқори савияда бажарганликларининг гувоҳи бўлди. Юбилей муносабати билан Ўзбекистон ССР «Медицина» нашриёти чоп этган муҳим китоблардан бири А. А. Қодиров, У. Т. Соиповларнинг 142 бетдан иборат «Абу Али ибн Сино ўрта осиёлик буюк медик олим» номли тадқиқотидир.

Китоб асосан медицинага мўлжалланган бўлишига қарамай, қилининг соддалиги ва у қамраб олган мавзунинг кенглиги туфайли ундан нафақат врачлар, балки доришунослар, тарихшунослар, шарқшунослар, файласуфлар ва кенг китобхонлар оммасининг ҳам бемалол фойдаланиши мумкин. Зеро китоб ўрта аср табобати ва доришунослиги билан бир қаторда, у даврда Ўрта Осиё ва Хуросонда ишлаб ижод этган табибларнинг тарихий шароити, дунёқараши ва уларнинг бизгача етиб келган кўлёзма асарлари билан ҳам китобхонни таништиради. Китобнинг кириш қисмида авторлар Ўзбекистон маданияти тарихига тўхталиб шундай дейишлар: «Қадимги Самарқанд, яъни Афросиёб харобаларидан топилган тарихий ёдгорликлар аждодларимиз санитария маданиятининг юксак даражада бўлганлигини кўрсатувчи аққол далилдир. «Афросиёбдан топилган водопровод ва канализация системаларининг тузилиши шу қадар такомиллашганки, улар қадимги Рим ва Юнонистоннинг шундай иншоотларидан сира қолишмайди, бинобарин бизнинг тўғримиз аждодларимиз ҳам инсон саломатлиги учун озодалик ва тоза сув ҳамда гигиена қоидаларининг муҳимлигини яхши билганлар. Водопровод системаси шаҳардаги ҳар бир хонадонга киритилган. Булардан ташқари хонадонларда ахлат чуқурчалари ва кир ўралари ҳам қурилган. Қадимги ўзбеклар ҳаммомда чўмилишни саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бири эканлигини яхши билганлар. Ҳаммомлар барча шаҳарларда албатта қурилган. Афросиёбни археологик қазиш вақтида ўнта алоҳида-алоҳида хонадан иборат ҳаммом топилган» (7-бет).

Китобнинг кириш қисмидан кейинги биринчи боби «Ибн Синогача бўлган даврдаги Шарқ табобати ва унинг манбалари»га (11— 52-бетлар) бағишланган. Шарқ табобатининг дастлабки манбаларини авторлар жуда кўп археологик топилмалар ва бу ҳақда ёзилган совет ва чет эл олимларининг асарлари асосида ёритганлар. Жумладан улар шундай деб ёзадилар: «Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон территориясидан ва андерталь одамларининг манзилгоҳлари топилган экан, демак бу ўлкада медицинанинг келиб чиқиш тарихи ўша одамлар яшайдиган даврга бориб тақалади. Бинобарин, Ўрта Осиё ер юзида табобат билими биринчи бўлиб пайдо бўлган ўчоқлардан биридир» (12-бет). Шу билан бирга китобда Ибн Синогача бўлган Ўрта Осиё табобатига Эрон, Ҳиндистон, Ҳитой, Вавилон, Миср каби қадимий мамлакатлар табобатлари маълум даражада таъсир кўрсатганлиги, яъни манба вазифасини ўтаганликлари айтилган.

«Ибн Сино замонасидаги Шарқ табобати» (31— 52 бетлар)га бағишланган бу бобнинг бошқа бир махсус қисмида жумладан қуйидагилар баён этилган. Феодализм даврида тез-тез бўлиб турадиган ўзаро жанглар натижасида жароҳатланган жангчиларни даволаш учун дастлабки ҳарбий касалхоналар ташкил этилган. Кейинчалик аҳоли учун ҳам касалхоналар қурилган. Шундай касалхоналар Бухоро, Самарқанд, Марв, Рай, Ғазна, Астробод ва бошқа шаҳарларда ҳам бўлган. Авторларнинг ёзишича, масалан, XI асрда «Самарқандда Иброҳим Тамғачхон ҳукмронлик қилган даврда унинг буйруғи билан жамоат касалхонаси қурилган. Касалхона вақф ерлар ва устаханалардан келадиган даромад ҳисобига сақланган. Иброҳим Тамғачхоннинг фармони билан бир карвонсарой, ноннвойхона ва шаҳардаги икки ҳаммомдан тушган даромад касалхона харажатлари учун ажратилган» (34-бет). Бундан ташқари кўчманчи халқларнинг бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга кўчиб юришлари ҳам эпидемиялар тарқалишига сабаб бўларди. Бундай юқумли касал билан оғриганлар алоҳида хоналарда даволанган, бу ҳол ҳам касалхоналарнинг пайдо бўлишига туртки бўлган. Кейинчалик айрим касалликлар учун алоҳида-алоҳида хоналар ажратилган. Масалан кўз касали билан оғриганлар учун алоҳида хоналар бўлган. Ҳар бир шаҳарда шу шаҳарнинг табобатига оид ишларини назорат қилиб турувчи маъмурий шахс — «шаҳар табиби» бўлган. У шаҳардаги касалхоналар ва доридармон тайёрловчилар ва сотувчилар устидан назорат қилиб турган. Авторларнинг ўринли таъкидлашларича бу даврга келиб, Шарқда шу жумладан Ўрта Осиёда табобат ва кимё фанлари бир мунча бойиди. Масалан, азот, сульфат кислоталари, симоб, кумуш тузлари ишлатила бошланди. Спирт (кухул) кашф этилди. Сувни фильтрлаш, уни буғлатиб ҳайдаш усуллари ишлаб чиқилди. Магнит игнаси кашф этилди. Шиша ва қоғоз ишлаб чиқариш усуллари яхшиланди. Масалан, VII асрларда Самарқандда хитой усулида қоғоз ишлаб чиқариш бошланди. Авторлар хулоса ўрнида совет медицина тарихчиси М. П. Мультановский н и н г «Ўрта аср Шарқ табобати ўйғониш даври прогрессив табобатини бойитди ва унинг қимматбаҳо манбаларидан бири ролини ўйнади» деган сўзларини ўринли келтирганлар.

Китобнинг иккинчи боби (53—89-бетлар) Ибн Синонинг ҳаёт йўлига бағишланган бўлиб, унда асосан олим таржимаи ҳоли ҳикоя қилинган. Шу билан бирга у яшаб ижод этган Бухоро, Ўрганч (Жўржанж), Жўржон, Ҳамадон, Исфаҳон каби шаҳарлардаги тиббий фаолияти ҳақида ҳам тўхталган. Масалан, Ибн Сино Ҳамадон шаҳрида ўз шоғирди Жузжоний билан биргаликда бир беморни операция қилиб, унинг қовуғидаги тошни олиб ташлайди. Бошқа бир бемордаги полипни жарроҳлик йўли билан кесиб ташлайди.

Ибн Синонинг табиблик фаолияти учинчи бобда (89 — 130-бетлар) ёритилган бўлиб, бу масала ҳозирги замон медицинасига қиёсан ўрганилган. Ибн Сино ўша даврлардаёқ табобатнинг асосий вазифаси кишиларнинг саломатлигига қаратилган тадбирларни амалга оширишдан иборатдир, деб ҳозирги замон медицинасининг асосий тушунчасига мос фикрни айтган. Жумладан Ибн Сино медицинани шундай таърифлайди: «Табобат— бу саломатликни сақлаш ва касалликларни даволашдан иборат». Олим бу фикрини давом эттириб «Тиб қонунлари» номли асарида бундай дейди: «Тиб шундай илмки, у кишиларнинг саломатлигини сақлаш ва касалликларини даволаш мақсадида одам танасини соғ ва касалликчоғида ўрганади» (89 — 90-бетлар).

Ибн Сино одам аъзоларини ифодалашда Гален ва бошқа юнон табиблари фикрига асосланган. Шу билан бирга ўзидан ҳам жуда кўп нарсалар қўшган ва аниқликлар киритган. Масалан, «Ибн Сино кўз мушакларини Галендан кўра аниқроқ ва мукаммалроқ тасвирлаб берган. Шунингдек томирларнинг тузилишини ҳам тўлиқроқ ёзган. Ибн Сино бурун суякларини алоҳида, юқори жаг суягидан ажратиб баён этган. Ҳатто ундан 500 йил кейин яшаган машҳур анатом А. Везалий бу суякни юқори жагга қўшиб баён қилган эди. Ибн Сино ўрта аср тиб олимлари қаторида биринчилардан бўлиб, ўмров суяк фақат одамда бўлишини кўрсатган. Гален билак мускулини фақат бир қоринли мускул деб ёзган эди. Ибн Сино унинг икки қорнини эканини кўрсатиб берган. Гален одам ошқозонини қорин бўшлиғининг ўртасида жойлашган деб ёзган эди. Ибн Сино бу хатони тўғрилаб, ошқозон чапга томон қийшиқ жойлашишини кўрсатиб берган» ва ҳоказо (92-бет). Учинчи бобнинг кейинги икки кичик қисми (130—140-бетлар) Ибн Сино дунёқараши ва шоғирдлари ҳақида ҳикоя қилади. Авторларнинг айтишича ва манбалардаги маълумотларга кўра ҳақиқатан ҳам Ибн Сино табобат масаласига келганда материализмга яқин дунёқарашда бўлган. Оҳангарон яқинидаги Овлуқ қишлоғидан бўлган Илоқийдан (вафоти 1068 йил) тортиб XIX аср охирларида ҳам ҳаёт бўлган, «Қонун ал-мабсут» номли ўзбек тилида ёзилган катта тиббий асар муаллифи тошкентлик табиб Боситхон Зоҳидхон ўғлигача бўлган барча ўрта осиёлик табиблар Ибн Синонинг содиқ шоғирдлари ва тўлмас издошлари бўлганлар.

Ибн Сино сўзи билан айтганда, ердан осмонгача бўлган барча муаммоларни, мушкулотларни ҳал этган, одамларнинг оғирини енгил қилган табиб ҳақиқатан ҳам «ажал» деб аталган биргина жумбоқни еча олмади. Аммо у инсониятга, унинг соғлиғини сақлаш учун бир умр керак бўладиган ўлмас тиббий мерос қолдирди. Ана шу тиббий мерос қанчалик чуқур ўрганилса, қанчалик кенг оммалашса Ибн Сино ва унинг инсонпарварлик ғоялари шунчалик узоқ яшайди. Биз юқорида қисман таништириб ўтган А. А. Қодиров, У. Т. Соипов «Абу Али ибн Сино ўрта осиёлик буюк медик— олим» номли китоблари ҳам олим тиббий меросини ўрганишга ва оммалаштиришга бағишланган бўлиб, медик ва медик бўлмаган кенг китобхонлар учун ўрта аср Шарқ табобати тарихини ўрганиш борасида ўзбек тилида ёзилган ихчам, аммо сермазмун ва фойдали илмий асар ҳисобланади.

Китоб жузъий камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Масалан, «қон, ўт, шиллиқ ва ҳоказо» дейилган (17-бет). Бизнингча «ва ҳоказо» ўрнига назарда тутилган тўртта суюқликлар номи (қон, safro, савдо, шиллиқ)ни ёзиш керак эди. Китобда «қортиқ» сўзи «қориқ» шаклида (102-бет), «Хифз ас-сиҳҳат» ибораси «Ҳифзиҳҳат» шаклида (115-бет), «наркотик» сўзи «наркотикт» шаклида (123-бет) ёзилиб қолган. Мазкур босма камчиликлар китоб мазмунига халал етказмаган бўлса ҳам, саводхон ўқувчининг ғашига тегади. Мазкур хилдаги камчиликларни бартараф қилган ҳолда, китобни қайта нашр қилишни «Медицина» нашриётидан илтимос қиламиз, чунки 2000 нусхадагина чоп этилган бу тадқиқот ҳозирнинг ўзидаёқ камёб асарлар қаторига ўтиб олди.

Ҳ. ҲИКМАТУЛЛАЕВ,

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, филология фанлари кандидати.



ҚИЗИҚАРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

Абдулла Йўлдошевич Йўлдошевнинг Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида реставратор бўлиб ишлаётганига ўттиз йилдан ошди. Ана шу вақт ичида музей фондидаги мавжуд етти минг картинанинг ҳар тўртинчиси унинг қўлидан ўтди. Хоҳ асрлар ошиб бизнинг давримизгача етиб келган буюк мўйқалам усталарининг асарлари бўлсин, хоҳ яқин вақтларда яшаб ижод қилган авторларнинг асарлари бўлсин реставрация пайтида улар таъмир этувчидан бир ҳилда — юксак маҳорат ва ўз касбига садоқатни талаб этади. Ушбу фазилатларни Абдулла Йўлдошевич меҳнат фаолиятини бошлаган пайтидан ўзида тарбиялаб келмоқда. Бунда унга РСФСР Маданият министрлиги ҳузуридаги Москва реставрация устаханасидаги ҳамкасблари яқиндан ёрдам беришди. Ҳозир эса А. Й. Йўлдошевнинг ўзи ёшлар билан тажрибаларини ўртоқлашмоқда.

СУРАТЛАРДА: юқорида — реставратор А. Й. Йўлдошев; пастда— нодир асарлар ана шундай таъмир этилади.

А. Горокрик фотолари. (ЎзТАГ).

САЁҲАТЧИЛАР ТУҲФАСИ

СССР география жамияти Приморье филиалининг кутубхона фонди, Узоқ Шарқ ўлкаси бўйлаб кўп йиллар саёҳат қилган профессор А. Куренцовнинг китоблари билан бойиди. Китобларни кутубхонага олимнинг оиласи топширди.

Кутубхона фонди катта эмас. Бу ерда 80 минг нусха китоб бор. Бироқ ана шу тўпламнинг анчагина қисми турли вақтларда Владивостокда бўлган атоқли саёҳатчилар ва олимлар жамият филиалига совға қилган китоблардан иборат.

Машҳур флот бошлиғи ва олим адмирал С. Макаров ўз илмий асарини кутубхонага биринчилар қаторида топширди. Таниқли географ ва Осиё тадқиқотчиси М. Веников ҳам қимматли тортиқ қилган эди. У 80 йил муқаддам турли авторларнинг Сибирь ва Амур ўлкасини ўрганишга бағишланган 500 га яқин китобини тухфа этган эди. Бу китоблар орасида нодир нусха— Р. Малкнинг 1861 йилда Петербургда нашр этилган «Уссури дарёси водийси бўйлаб саёҳат» илмий асари ҳам бор.

Бу ерда саёҳатчи В. Арсеньевнинг шахсий кутубхонасидан топширилган 800 томдан кўпроқ китоб, Черский, Амундсен, Буссе ва бошқа рус ҳамда чет эллик Узоқ Шарқ тадқиқотчиларининг тухфа китоблари сақланмоқда.

(ТАСС).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

СССРга экспорт қилиш учун

БЕРЛИН. ГДР кемасозлик корхоналарида ўтган йили жами 450 минг тонна юк кўтара оладиган 60 дан кўпроқ янги кема қурилди. Кемасозлар маҳсулотининг анчагина қисми Совет Иттифоқига экспорт қилинди. Ростокдаги «Нептун-верфт» кемасозлик корхонасида қурилаётган ва электроника ёрдамида бошқариладиган катта ўзиюрар денгиз земснаряди билан Штралзунд кемасозлари сувга туширадиган музхонали балиқ овлаш кемаси республика кемасозлигининг янги маҳсулоти бўлади.

ЭНГ КАТТА БУЮРТМА

ПРАГА. Ждановдаги Ильич номли металлургия заводи учун «Кварто—3000» прокат станини тайёрлаш янги бошланган беш йилликда Чехословакия машинасозларига берилган энг катта буюртма бўлди. Пльзендаги В. И. Ленин номли «Шкода» машинасозлик бирлашмасининг коллективи бу топшириқни муваффақиятли бажармоқда.

Янги прокат станида 25 миллиметрли пўлат тахталар юксак аниқлик билан тайёрланадиган яхши сифатини таъминлабгина қолмай, шу билан бирга металл чиқитларини йиғиштириб олишни тўла-тўкис механизациялаш имконини ҳам беради.

ФАХРИЙ БАЙРОҚ ТОПШИРИЛДИ

ГАВАНА. Октябрь революциясининг 64 йиллиги номидаги мачетеролар бригадасига Хесус Менендес номидаги фахрий байроқ топширилди. Гавана вилоятидаги «Авраам Линкольн» қанд заводида оммавий митинг бўлди. Шу бригада ҳамда Ангола озодлиги номидаги бригада коллективлари бу йилги шакарқамиш ўримида мамлакатда биринчи «миллионер» деган юксак номга эришдилар. Уларнинг ҳар бири бир миллион арробадан кўпроқ шакарқамиш ўриб берди (1 арроба—11.5 килограммга тенг).

ЗАВОД ИШГА ТУШИРИЛДИ

ХАНОЙ. Бу ерда Вьетнамда энг кўп оммалашган транспорт тури бўлмиш велосипед ва унинг запас қисмларини ишлаб чиқаладиган завод ишга туширилди. Лойиҳага биноан корхона ҳар йили 200 мингтага яқин велосипед ишлаб чиқара олади.

РОМЕШ ЧАНДРАНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ДЕҲЛИ. Ядро қуроли чиқиши хавфидан ташвишланаётган Жаҳон тинчлик кенгаши ва унга кирувчи 130 дан зиёд мамлакатдаги миллий ташкилотлар, бутун тараққийпарвар инсоният КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган тарихий расмий дўстлик визити вақтида баён этган тинчлик ташаббусларини астойдил табриклайдилар ва маъқуллайдилар, деди бу ердаги матбуот конференциясида Жаҳон тинчлик кенгашининг президенти Ромеш Чандра.

Совет рахбарларининг таклифларини барча қитъалардаги миллионмиллион кишилар, шу жумладан Ҳинд океани ва Форс кўрфази ҳавзасидаги мамлакатларнинг аҳолиси қўллаб-қувватламоқдалар. Халқаро кескинлик кучайиб кетган бир шароитда ана шу муҳим таклифларнинг тезроқ рўёбга чиқарилиши тинчликсевар инсониятнинг тинчлик, қуролсизланиш ва кескинликни юмшатиш йўлида қилаётган ҳаракатларининг муҳим таркибий қисми бўлади, деб таъкидлади Ромеш Чандра.

ҚАТТИҚ ТАШВИШЛАНМОҚДАЛАР

АНТАНАНАРИВУ. Мадагаскар халқи империализмнинг Ҳинд океанидаги қуролли кучлари кўпайтирилаётгани д а н қаттиқ ташвишланмоқда, деди Мадагаскар мустақиллиги конгресси партияси (АКФМ) бош секретари Жизель Рабесаҳала ТАСС мухбири билан суҳбатда.

Қўшма Штатлар, деди у, Диего-Гарсия оролида ва шу райондаги бошқа базаларда «тез чора кўриш кучларини» жойлаштирмоқда, Ҳинд океанига ғарбий кемаларнинг янги қўшилмаларини юбормоқда. Ғарбий Европадаги баъзи мамлакатлар ҳам унинг изидан бормоқда. Мадагаскар соҳиллари яқинида доимо француз қўшинларининг қисмлари туришибди. Жанубий Африка Республикасининг ирқчилари ҳам ўз ҳарбий потенциалини кучайтирмоқда.

Ҳиндистон, Мозамбик, Танзания, Сейшель оролларида ва соҳил яқинидаги бошқа давлатларнинг халқлари ҳам вужудга келган аҳволдан биз каби ташвишланмоқда, деб уқтирди Ж. Рабесаҳала. Улар кемаларнинг бемалол қатнашига имконият яратиб бериш шарти билан региондаги қуролли кучларни олиб чиқиб кетишни яқдиллик билан талаб қилмоқдалар.

Беҳуда ва хатарли қуролланиш пойгасига барҳам берилсин, деб ёзади Сьерра-Леонеда чиқадиган «Прогресс» газетаси. Американинг бу қитъадаги ҳарбий базалари регионнинг тинчлигига хавф солади ва Африка давлатларининг ишларига қурол ёрдамида аралашиш макони бўлиб хизмат қилади.

Пентагон Ҳинд океанининг ғарбий қисмида тўплаб қўйган жуда катта кучлар ихтиёрида 40 тадан кўпроқ ҳарбий кема, сув ости кемалари, авиация қўшилмалари бор. Шу тариқа Африка АҚШнинг қуруқликдаги ва денгиздаги базалари қуршови остида қолди, деб уқтиради газета.

Миср, Сомали ва Уммон территориясида Америка базаларининг мавжудлиги бу мамлакатларни Пентагоннинг Африка ва араблар шарқидаги ривожланаётган давлатларга қарши қилиши мумкин бўлган ҳарбий авантюралари қатнашчисига ўз-ўзидан айлантириб қўймоқда. Бу базаларда мазкур давлатларнинг ички ишларига аралашиш мақсадида нефть манбаларини босиб олиш ҳамда Африка ва араб мамлакатларида уруш қилиш операциялари учун махсус тайёрланган «тез чора кўриш кучлари» жойлаштирилмоқда.

КУРАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЛИССАБОН. Американинг ИТТ корпорациясининг Португалиядаги филиали меҳнаткашлари ўтган йилнинг июль ойида ишдан бўшатилган ўз ўртоқлари қайта ишга олиниши учун курашни давом эттирмоқдалар. Португалия олий маъмурий трибуналининг маъмурият хатти-ҳаракатини қонунга хилоф деб эътироф этган корхона эгалари ишдан бўшатилган кишиларни қайта ишга олишдан бош тортмоқда.

Корпорация меҳнаткашлари қонунга риоя этилишига эришиш учун меҳнат министрига ёрдам сўраб мурожаат қилдилар. Бироқ у олий маъмурий трибуналнинг қарори амалда ҳақиқий эмас деб топди ва меҳнаткашларнинг талабини қўллаб-қувватлаш д а н бош тортди. Меҳнаткашлар касаба союзларининг бу ерда эълон қилинган асло тенг кела олмаяпти. Матбуотнинг хабар қилишича, кўпгина америкаликлар шу ҳаракатлардан тежаб қолишга уринib, ўз уйларида ҳароратни жуда ҳам пасайтирмоқдалар, ёқилғи сарфини мумкин қадар камайтиришга ҳаракат қилмоқдалар.

НАТОнинг Америка ракета-ядро қуролларини Ғарбий Европада жойлаштириш ҳақидаги қарори Ғарбий Европа мамлакатлари жамоатчилигининг сабаб бўлмоқда.

Фақат Шарқий Англиянинг ўзида (бу ерда 160 та қанотли ракетани жойлаштириш мўлжалланмоқда) ҳозир 40 дан зиёд ташкилот ана шу режаларга қарши кураш олиб бораяпти.

СУРАТДА: инглиз тинчлик тарафдорлари Америкининг қанотли ракеталари ва ядро хавфига қарши Лондонда ўтказилган намойиш пайтида.

АДН—ТАСС фотоси.

ОШКОРА ТАЛОНЧИЛИК

НЬЮ-ЙОРК. Американинг нефть монополиялари Қўшма Штатлар территориясининг талайгина қисмида ҳозир ҳазо совуқ бўлиб турганлигидан фойдаланиб, бошқа корпорациялардан кейин нефть маҳсулотлари нархини жуда ошириб юбормоқдалар. «Ситиз сервис» компанияси уй-жойларни иситиш учун ёнилғи нархи анча оширилажагини эълон қилди.

Америка нефть институти бу йил нефть маҳсулотларининг чакана нархлари ўтган йилдагига нисбатан 50—75 процент ортади, деб тахмин қилмоқда. Картер маъмурияти мамлакатда қазиб чиқарилаётган нефтнинг нархи устидан контролликни бекор қилганлиги сабабли шундай бўлганлиги қайд этилмоқда. Ана шу қарор билан нефть маҳсулотларининг оддий америкаликларни ошкора талашлари учун кенг йўл очиб берилди.

Уйларни иситиш ва бензин нархлари ошиб кетганлиги америкалик миллион-миллион оилаларнинг бюджетига жуда катта зарба бўлиб тушмоқда, ана шу оилаларнинг иш ҳақи пулнинг қадри ниҳоятда тез тушиб кетаётганлиги билан асло тенг кела олмаяпти. Матбуотнинг хабар қилишича, кўпгина америкаликлар шу ҳаражатлардан тежаб қолишга уринib, ўз уйларида ҳароратни жуда ҳам пасайтирмоқдалар, ёқилғи сарфини мумкин қадар камайтиришга ҳаракат қилмоқдалар.

ҲУНАР— БАХТНИНГ КАЛИТИ

ЁШЛИК МЕҲНАТ БИЛАН ГЎЗАЛ

Она-Ватанимизда ёшларнинг илм олишлари, ҳунар ўрганишлари учун ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилган. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Умумий таълим мактабларининг ўқувчиларига тарбия бериш ва уларни меҳнатга тайёрлашни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига жавобан Киров районидаги 70-мактабда талайгина ибратли ишлар амалга ошириб келиняпти. Мактабда аньанага кўра ҳар бир предмет —фан бўйича ойлик ўтказилади. Бу ойликда ўқувчилар ўқитувчилар раҳбарлигида шу фан бўйича турли мусобақалар, кечалар, экскурсиялар ўтказадилар.

Мактабда яқинда бўлиб ўтган меҳнат ва касб танлаш ойлиги жуда жонли ва қизиқарли ўтди. Касб-ҳунар танлашда ёшларга қулайлик яратиш мақсадида мактабда беш хонали алоҳида бино қурилган. Бино залига киришингиз билан 11-«Висотстрой» трести тайёрлаган чиройли стендга кўзингиз тушади. Бу стендда 11-«Висотстрой» трести бинокорлари ўнинчи беш йилликда бажарган ишлари, илғор бинокорлар ҳақида қизиқарли маълумотлар бор.

Шуниси диққатга сазоворки, 11-«Висотстрой» трести мактабни оталиққа олган. Ўқувчилар таниқли бинокорлардан— Ленин ордени кавалери, республикада хизмат кўрсатган бинокор О. Нурмуҳамедова, В. С. Дҳоев, Н. Уварова, Л. Цимбаленко, В. Правалов кабилар билан бир неча бор учрашдилар, уларнинг иш жойларида бўлдилар. Шунинг учун ҳам ўтган ўқув йилида 76 ўқувчи бўёқчи ва сувоқчилик касбини эгаллашди. Бу йил эса 50 ўқувчи бўёқчилик касбини, 75 ўқувчи автослесарлик, токарлик касбини, қизлар эса чеварлик касбини ўрганишмоқда.

Ёшларнинг касб танлашга бўлган қизиқишларини оширишда меҳнат ўқитувчилари С. Шокирова, М. Колибердина, Р. Аҳмаджонова ўртоқларнинг ҳиссалари катта бўляпти. Меҳнат ойлиги давомида ўқувчилар 57, 86, 127, 129 ва 214-ўрта ҳунар-техника билим юртларига борib, у ердаги меҳнат ва ўқиш жараёнлари, тенгдошлари ҳаёти билан танишдилар. «Узбексельмаш», «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмаларида, асбобсозлик заводи, «Ўрток» кондитер фабрикаларида бўлиб, беш йиллик зарбдорлари —Ленин ордени кавалерлари Собир Усмонов, Жалил Раҳимов («Узбексельмаш»дан), қандолатчи Санталат Зиямуҳамедова, шунингдек чеварлардан М. Бўронбоева, А. Петрова, трикотажчи Шоира Холмуҳамедова, Мастура Қодирова каби юзлаб мураббийлар суҳбатидан баҳраманд бўлдилар. Учрашувлар, экскурсиялар давомида олган таассуротлари ҳақида ёшлар «Ким бўлсам экан!», «Менинг орзум» темасида иншо ёздилар.

Меҳнат дарсларида эса моҳир қўллар ва мўйқалам усталарининг синфлар бўйича мусобақаси ташкил этилди. Мактабнинг катта залида улар тайёрлаган ишлардан кўргазма ташкил этилди. Қурилиш ҳақида альбомлар, деворий газеталар тайёрланди. Бу меҳнат кўргазмасида 2-«А» синф ўқувчиларининг В. И. Ленининг «Разливдаги чайла» манзараси, 7-«Б» синф чеварлари тикган кийимлар, 8-«А» синф ўқувчиларининг телевизион (макет) минораси, 7-«В» синфининг темирдан ясалган буюмларига биринчи ва иккинчи ўринлар берилди.

Хуллас, ҳар бир синф шу ойликда нимага қобил эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилди. Бу кўргазмага собиқ ўқувчилар, бугунги кунда кечқурун ўқиб, кундузи бинокорлар safида ишлаётган Мурод Воҳидов, Саша Слабаусов, Маъруф Орифжонов каби ўнлаб ёшлар меҳмон бўлиб келдилар. Улар ўз касблари ҳақида сўзлаб бердилар.

Мана шу меҳнат ойлиги давомида ва мактабда касб-ҳунар танлашга доир дарсларда ёшларнинг меҳнатга муносабатини олимлардан — филология фанлари доктори А. Ғ. Ғуломов, филология фанлари кандидати К. Н. Назаров ва бошқа ўртоқлар кузатишди. Улар касб танлашда, дарс давомида ва дарсдан ташқари амалга оширилаётган ибратли ишларни ғапириб, қимматли маслаҳатлар ва кўрсатмалар беришди.

Ёшларни ота-боболаримизнинг меҳнатсеварлик, ҳалоллик, дўстлик анъаналарига содиқ бўлишларини, бахт меҳнатда эканлигини шу ойликда мактабга меҳмон бўлиб келган шоир ва ёзувчи Шуҳрат, шоир Ҳусниддин Шариповлар жонли мисоллар билан гапириб бердилар. Улар Ватан, меҳнат, муҳаббат ҳақидаги шеърларидан ўқиб бердилар.

Биз юқорида баён қилган ишлар ёшлар тарбиясида ва уларнинг меҳнатни севишларида яхши натижалар бермоқда. Бу йил 8-синфнинг 33 ўқувчиси ҳунар-техника билим юртига ўқишга боришга ахд қилди. 10-синф ўқувчиларидан 15 киши ишчилар safига қўшилишга азму қарор қилди. Бир сўз билан айтганда меҳнат, касб танлаш ойлиги ўзининг ижобий самараларини бераяпти.

Мактаб касб танлаш кабинети Киров райони бўйича биринчи ўринни олганлиги ҳам фикримизнинг далилидир.

С. СУЛТОНОВ,

Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.

ОТА-ОНАЛАР, БУНГА ЭЪТИБОР БЕРИНГ!

Фарзандингиз математикани севадими?

Ҳисоб-китоб, умуман математика инсон ақлини пешлайди, қизиқиш уйғотади. Математик ўйинлар болаларда ташаббускорликни ва зийракликни ўстиради, меҳнатни севишга, ишни аниқ ва пухта бажаришга, қийинчиликларни чидам билан енгишга ўргатади. Шу билан бирга, ўйин улар учун туганмас лаззат манбаи бўлиб қолади. Ўйинларда ўртоқлик туйғуси, виждонийлик, тўғрилик сифатлари ва коллектив ишлари учун ҳамда онгли интизом таркиб топади.

Болаларнинг бўш вақтларида математик коллектив ўйинларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан «Суратли лото» ўйинини кўрайлик. Лото тайёрлаш учун 15 та бадиий сурат ва шундай катталикдаги 15 та жадвал бўлиши керак. Ҳар бир жадвал ва ҳар бир сурат 6 та тенг катакка бўлинади. 90 та турли мисоллар тайёрланади. Жадвалдаги катакларга шу мисоллар ёзилади. Суратнинг орқа томонидаги тегишли катакларга бу мисолларнинг ечилиши ёзилади. Шундан сўнг сурат катакларга ажратиб кесилади. Жадвалларни ўйновчиларга тарқатиб, суратнинг бўлаклари эса ўйин бошқарувчининг қўлида қолади. Ўйин бошқарувчи сурат катакларини бирин-кетин олиб, унда ёзилган мисолларни жавобсиз, ўзини ўқийди. Қўлидаги жадвалида шундай мисол бўлган ўқувчи бу мисолни жавоби билан ўқийди ва суратнинг шу бўлагини олади.

Ўйновчилардан бирортасининг ҳамма жадвали сурат катаклари билан қопланиб бўлгандан сўнг, болага рангли қоғозлар ёрдамида фигуралар ясашни ўргатиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Чунки бу уларнинг продаларини тарбиялаш, қийинчиликларни енгишда чидамли бўлишлари учун муҳимдир. Шу билан бирга, бундай машғулотлар ҳамда онгли интизомни тарбиялаш учун зарур бўлган фазилатлар камол топади ва мустаҳкамланади. Бу билан ота-оналар фарзандларининг синфда олган билимларини мустаҳкамлашга, уларнинг нутқларини ўстиришга яна замин ҳозирлайдилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, фарзандларимизга математиканинг аҳамияти ҳақида тарихий маълумотлардан мисоллар ва ҳикоялар сўзлаш лозим. Масалан, ота ёки она ўз фарзанди билан қуйидагича суҳбат олиб бориши мумкин:

— Ҳаммамиз машҳур ўзбек астрономи Улуғбек ҳақида кўп эшитганмиз. Қани айт-чи, Улуғбек математиканинг сирларини билмасдан туриб юлдузларнинг ҳаракати, сони, Ернинг Қуёш атрофида айланиши, Қуёш ва Ойнинг тутилиш ҳодисасини айтиб бера олармиди? Албатта, йўқ. Ота-боболаримиз математиканинг қонун ва қоидаларига асосланмаганда Самарқанд, Бухоро ва Хиванинг машҳур миноралари ва тарихий ёдгорликларини қура олмас эдилар. Биз яшаётган йигирманчи асрда осмонўпар иморатлар, автобус, трамвай, троллейбус, метро... хуллас, техникамиз ютуқларининг хаммаси математикага асосланган. Агар архитектор, лойиҳачи, инженерлар бу иморатларнинг лойиҳасини математик қоидалар асосида математик тафаккурни ўстиришда, бошлаган ишни охирига етказиш одатини, ўз ишига танқид кўзи билан қарай билишни, мантиқий тафаккурни ўстиришга ёрдам беради.

Икки-уч ва ундан кўпроқ бола биргаликда математик ўйинлар ташкил қилиб туриши айни муддао бўлади. Математик ўйинлар болалар учун лаззат манбаридан бири бўлиб қолади. Ўйинлар пайтида ўртоқлик туйғуси, виждонлилик, тўғрилик сифатлари ва коллектив ишлари учун тузиб чиқмаганларида, шундай улкан, шундай гўзал иншоотлар бўлмас эди. Одамлар математика ёрдамида Ер билан Қуёш, Қуёш ва Ой ўртасидаги масофани билиб олганлар. Кўрдингизми, математика фани ана шундай буюк қудратга эга. Зеро, ҳаётни ҳисоб-китобсиз, математикасиз тасаввур қилиш қийин. Улуғ давлат арбоби М. И. Калинин: «Математика—бу ақл гимнастикаси», деб бежиз таърифламаган.

Баъзан бола математикадан бирор вазифани бажаролмай отаонасига мурожаат қилса: «Қўйсанг-чи, бошимни қотирма», деб қойиб беришади. Аксинча, ота-она боланинг математикага бўлган қизиқишини кучайтириши, шу фанга доир қизиқарли китоб, газета ва журналлардаги масала, топишмоқ, ребус, кроссворд ва чайнвордларни мустақил ечишга ёрдамлашиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ихчам ва чиройли математик машқларни бажариш натижасида боланинг диққати, кузатувчанлиги, ўйлаб топиши, зийраклиги, қийинчиликларни енгиши, чидамли бўлиши, бошлаган ишни охирига етказиш қобилиятларини ўстириш мумкин. М. В. Ломоносов «...Математикани шунинг учун ҳам ўрганиш керакки, у ақлни пешлайди»— деган эди. Ҳар биримиз фарзандимизнинг билимларини мукаммаллаштиришни, уларни математика тўгаракларига қатнашишини таъминлашимиз зарур. Вақти-вақтида улар билан суҳбатлашиб, математика фанининг фойдали томонларини таъкидлаб бориш керак.

Ёшларни математикага янада қизиқтиришда уларни ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий-тадқиқот институтларига олиб бориш, меҳнат ва ижод жараёни билан таништириш жуда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Математика, астрономия, кибернетика институтларига, Тошкент тўқимачилик комбинатига, «Малика», Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаларига олиб бориш айни муддао бўлади. Ёшлар бу ерларда меҳнат кўникмасини оладилар, ишлаб чиқариш жараёни ва математика сирлари билан яқиндан танишадилар.

Р. ОҚИЛОВ,

Қори-Ниёзий номли Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-текшириш институтининг илмий мухбири.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

СОТУВЧИЛИК—ШАРАФЛИ КАСБ

Ҳар қандай касб ҳам қизиқарли. Агар киши ўз севган касбида ишласа, унинг меҳнати қувончга, илҳомга ва ижодга айланади.

Балки сиз сотувчилик касбини танламоқчидирсиз?

Сотувчилик — шарафли ва хайрли касб.

Сотувчилик касбини эгаллашга қарор қилган барча ёшларни «ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ»нинг 47-МАКТАБ-МАГАЗИНИ УҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Бу — ажойиб анъаналар яратган савдо корхонасидир. У кўпдан-кўп қизларга ҳаётга йўлланма берган. Мактабда ўқиш ишлаб чиқариш билан боғлиқ равишда олиб борилади. Тажрибали ўқитувчилар товаршунослик, савдо хизмати кўрсатиш, совет меҳнат ҳуқуқлари асослари, психология ва савдо эстетикасидан лекциялар ўқишади. Ана шу ернинг ўзида, магазинда — прилавкалар ёнида Сиз амалий машғулотлар ўтаб, ўз малакангизни оширасиз. 6 ойлик ўқиш даврида Сиз хўжалик ва маданий-маиший моллар кичик сотувчиси ихтисосини эгаллаб чиқасиз.

Мактаб-магазин синфхоналари замонавий савдо технология асбоб-ускуналари ва зарур дарсликлар ҳамда кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган. Ўқиш рус ва ўзбек тилларида олиб борилади. Ўқувчиларга ойига 63 сўмгача стипендия тўланади. Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Мактаб-магазинга 10 синф маълумотидаги қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади. Тошкент шаҳрида доимий пропискада туриш шарт.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларнинг бўлиши лозим: аттестат, паспорт, мактаб ёки сўнгги иш жойидан характеристика, агар бўлса меҳнат дафтарчаси, яшаш жойидан справка, 2 та фотосурат (6х9 см).

Ўқишни тамомлагач, ҳамма битирувчилар «ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ» магазинларида иш билан таъминланадилар.

Машғулотлар — группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Справкалар учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳар, Муқимий кўчаси, 1-уй (2, 3, 18, 34, 50, 80-автобуслар, 7, 9, 4, 11, 21, 24-трамвайлар, 2, 6, 13, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати). Телефон 53-47-24.

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ».
«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

21 ЯНВАРДАН БОШЛАБ

ЯНГИ ПРОГРАММА «БЕНГАЛ ЙЎЛБАРСЛАРИ»

ЙЎЛБАРСЛАРНИ ЎРГАТУВЧИ —Латвия ССРда хизмат кўрсатган артист Степан ДЕНИСОВ.

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 13, 16 ва 19.30 да, якшанба кунлари 12, 16, 19.30 да бошланади.

«ЗАРАФШОН» РЕСТОРАНИ

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ВА ШАҲРИМИЗ АҲОЛИСИНИ

РЕСТОРАНГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЯНГИ ЭСТРАДА ПРОГРАММАСИ

«БУКЕТ» ДИСК-ШОУ АНСАМБЛИ

«ПАНОРАМА» вокал-чолғу ансамбли ва «ЦВЕТЫ» РИТМ-БАЛЕТИ ҚАТНАШАДИ.

Бадиий раҳбар — Николай ГРИГОРЬЕВ.

Касса соат 18.00 дан очиқ.
ПРОГРАММА СОАТ 20.00 ДА БОШЛАНАДИ.

КАРТОГРАФ-ГРАВЕРЛАР ВА КАРТОГРАФ-ЧИЗМАЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН

КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

КУРСЛАРГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ТОШКЕНТЛИК ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати— 10 ой.

МАШҒУЛОТЛАР РУС ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ. Ҳар ойда 63 сўмдан стипендия берилади.

Курсларга қабул қилинганларга бу йил топография техникуми ёки шу ихтисос бўйича олий ўқув юртининг сиртқи бўлимга кириш учун шароит яратиб берилади.

Курсларни тугатиб бир йилдан ортиқ ишлаган нлгор ишчиларга ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда институт тайёрлов бўлимида ўқиш учун йўлланма берилади.

Мурожаат учун адрес: 700170, Тошкент шаҳри, Володарский кўчаси, 6-уй, кадрлар бўлими (5-болалар касалхонаси ёнида, 17, 69-автобуслар, 13, 22-трамвайлар, 17, 18-троллейбусларнинг «Академиклар шаҳарчаси» бекати).

СССР Алоқа министрлигининг

ТОШКЕНТ АЛОҚА ПОЛИТЕХНИКУМИ

алоқа политехникумига ва бошқа ўқув юртларига кирувчиларни кириш имтиҳонларини топширишга тайёрлайдиган

6 ОЙЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА ҚУШИМЧА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАР ВА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. АРИЗАЛАР 16 ФЕВРАЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700189, Тошкент шаҳри —189, У. Юсупов кўчаси, 70-уй, 2-қават, 203-хона (10-троллейбус, 8, 14-автобуслар «Лабзак», 10, 23, 27-трамвайларнинг «Алоқа политехникуми» бекатлари). Телефонлар: 41-43-62, 41-35-04.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ АКАДЕМИГИ Ш. А. АЛИМОВ НОМИДАГИ ТУБЕРКУЛЁЗ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ КЛИНИКАСИГА

сантехника, вентиляция, кондиционлаштириш ва иситиш, алоқа, совутиш қурилмалари, электр цехи хизмати бошлиқлари; инженер-физиклар, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича инженерлар, техник-электрик, газчи техник, вентиляция ва кондиционлаштириш бўйича техник, алоқачи-техник, совутиш қурилмалари бўйича техник, электромонтёрлар, слесарь-сантехниклар, водопроводчи слесарлар, газчи слесарлар, совутиш қурилмаларн бўйича слесарлар; сув иситиш қозонларига ўт ёқувчилар, лифтчилар, бўёқчилар, сувоқчилар, кир ювувчилар, катта экономист, тикувчи, санитарка, ошхона ишчилари, фаррошлар, юкчилар, гардеробчилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/I да **Кузнинг биринчи куни** (19.30), 10/I да **Нодирабегим,** (12.00), **Истеҳком** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —9/I да **Олтин камар,** 10/I да **Мавлоно Муқимий.**

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ САРГУЗАШТЛАРИ» — **Лисунов номли,** (11, 14, 17, 20.00, телефон 96-34-02).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— Натальи Рубанова раҳбарлигидаги «Иллюзион калейдоскоп» аттракциони иштирокида «Циркда арча» Янги йил томошалари (10, 13, 16, 19.30).

КИНО

9, 10 ЯНВАРДА

«ХИЗМАТДОШ ОШИҚЛАР ҚИССАСИ» — **Искра** (17, 19.45, телефон 39-14-59).

«ИВАН ВАСИЛЬЕВИЧ КАСБИНИ ЎЗГАРТИРАДИ»— **Восток** (2-зал, жуфт соатларда).

КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ МАГАЗИНЛАРИ **макулатура топшириб олинган абонементларга В. Гиляровский нинг** «МОСКВА ВА МОСКВАЛИКЛАР» **китобини СОТМОҚДА**

Бу китобни 1, 2, 4, 5, 8, 9, 11, 15, 16, 18, 19, 23, 24-магазинлардан сотиб олиш мумкин.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг БОШ ҲИСОБЛАШ МАРКАЗИ ЭВМ ЕС — 1022 **машина вақтини арендага бериш учун**

ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

78-57-32, 78-58-92, 78-56-28 телефон номерлари бўйича справкалар олиш мумкин.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

9 ЯНВАРЬ—ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

18.15. «Олга, болакайлар!». Ёш геологларнинг V Бутуниттифоқ слёти ҳақида. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 КПСС XXVI СЪЕЗДИГА «Буюк китоб боблари». «Садоқат». 6-фильм. 20.30 «Композитор В. Гавриллин». Фильм-концерт премьераси. 21.30 «Время». 22.05 «Эрмитаж». Шарқ мамлакатлари санъати. 22.35 Фигурали учиш бўйича СССР чемпионати. Жуфт учиш. Эркин программа. Одессадан олиб кўрсатилади. 23.20 «Дунё воқеалари».

Узбекистон телевиденнесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Чипанинг саргузашти». Мультфильм. 18.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз—80-йил комсомолларн». 19.10 КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XXVI СЪЕЗДИГА ЛОИҲАСИ — УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Социалистик мусобақа голибларига — космик вимпеллар». 20.00 «Қизлар гулдастаси». Лирик концерт. 20.30 «Ахборот». 20.50 Узбекистон телевидениеси ва радиосининг солистлари Н. Тўхтаохунова ва С. Мамедов концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.30 Бадиий фильм. 23.3 Каратэ бўйича Ўзбекистон ССР чемпионати. «Меҳнат резервлари» спорт комплексидан репортаж (ёзиб олинган). 00.05 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Немис тили. 20.55 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Чизма геометрия. 21.55 «Сизни Чимён таклиф этади» (рус.). 22.25 «Игорь Горбачев». Фильм-портрет (рус.).

10 ЯНВАРЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси,

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.00 «Буратино кўргазмаси». 10.30 «Ота-оналар, Сизлар учун». 11.00 Бутуниттифоқ ва Халқаро конкурслар лауреати В. Круглов концерти (домра). 11.25 «Ҳаракат хавфсизлиги учун». 11.55 «Адресимиз — Совет Иттифоқи». 12.40 Кремль Съездлар саройида арча байрами. 13.40 «Спортлото»нинг 2-тиражи. 13.50 «Музикали абонемент». Белоруссия ССР Давлат академик опера ва балет Катта театрининг солисти В. Скоробогатов. 14.25 «Эрмитаж». Шарқ мамлакатлари санъати. 14.55 «Дунё воқеалари». 15.10 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси эстрада-симфоник оркестри иҳросида совет композиторларининг қўшиқлари мавзуига ёзилган фантазия. 15.20 Болалар учун қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар программаси: «Дарахт ичидаги олов», «Биз томонга цирк келди». 16.10 «План ва сут согувчи Вера». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 17.05 Н. Осипов номли давлат академик рус халқ оркестрининг концерти. 17.35 «Ҳайвонот оламида». Кўрсатувни журналист В. М. Песков олиб боради. 18.35 Снёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати. Мамлакатни ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари лойиҳасининг муҳокамаси. 19.05 «Пиф-паф, ой-ой-ой...». Мультфильм. 19.25 «Правда» газетасининг снёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 20.10 «Марказий телевидение экранида биринчи марта». «Топталган туйғулар». Бадиий фильм. 21.3' «Время». 22.05 Фигурали учиш бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. Эркин программа. Одессадан олиб кўрсатилади. 22.50 «Эски альбомлардан романслар». Фильм-концерт премьераси. 23.45 Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

I

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚАНИКУЛ КУНЛАРИДА

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 СССР халқларининг қўшиқлари (такрорий). 10.55 «Сўз кетидан сўз келар». Мактабгача ёшдаги болаларни рус тилида сўзлашишга ўргатиш.

11.15 «Дўст излайман» (рус.). 11.45 «Диққат, шаҳарда сехргар!». Бадиий фильм.

12.40 В. Шукшин. «Каллан саҳаргача». А. Островский номли Тошкент театр рассомчилик институтининг диплом спектакли. 14.20 «Кулги дарғалари» (рус.). 17.50 Кўрсатувлар программаси. 17.55 «Байрамимиз кўркисан, гўзал арчажон» (такрорий). 18.30 «Испан шеъриятидан». Мигель де Унамуно (рус.). 19.00 «Сиҳат-саломатлик». «Илмий-оммабоп программа. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Хусанова ва О. Орифжонов концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Телевидение экранида биринчи марта». «Юлия Вревская». Бадиий фильм. 1-серия. 23.10 Эркаклар командалари ўртасида баскетбол бўйича СССР чемпионати. Олий лига. «Университет» (Тошкент) — «Динамо» (Москва). «Ёшлик» спорт аренасидан репортаж (ёзиб олинган). 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Чилонзор район ошҳоналар трести коллективи трестнинг план-иқтисод бўлими бошлиғи

Михаил Яковлевич ПОРТНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА

• *Сузиш*

ЁШЛАР ЮТУҒИ

Тираспольд шаҳрида «Локомотив» марказий советининг биринчилиги бўлиб ўтди. Бу беллашувлар асосан ёшкичик ёшдаги сузувчилар ўртасида ташкил қилинди. Шуни қувонч билан айтиш керакки, ўзбекистонлик ёш спортчилар беллашувлар пайтида юксак маҳорат кўрсатишди. Улар умумий якунда команда ҳисобида мусобақа шоҳсупасининг энг юқори поғонасига кўтарилишга муваффақ бўлишди.

Ғалабани таъминлашга М. Панининнинг қўшган ҳиссаси катта бўлди. У 200 метр масофага комплекс усулда сузиш финалида голиб чиқди. 100 метр масофага чалқанчасига сузишда ўтказилган баҳсда Е. Овчар командадошининг муваффақиятини такрорлади.

100 метр масофага ўтказилган беллашувларда ҳам Панина яхши қатнашди. Фақат бу сафар у маррага иккинчи бўлиб етиб келганлиги учун кумуш медаль билан тақдирланди.

Республикамиз вакили Л. Бухалова 100 метр масофага эркин усулда сузишда муваффақиятга эришди. У маррага иккинчи бўлиб етиб келди. 4х50 масофага аралаш эстафетали сузиш бўйича ўтказилган баҳсларда вакилларимизга тенг келадиган спортчилар топилмади. Улар асосий рақибларини анча орқада қолдириб кетишди.

Ғалабанинг салмоғи шундаки, «Локомотив» жамиятининг ёш спортчилари умумий якунда мамлакатимизда етакчи спортчилар тайёрлаш марказлари бўлиб ҳисобланган Ленинград ва Горький шаҳарларининг терма командаларини орқада қолдириб кетишига муваффақ бўлишди.

• *Баскетбол*

ЯНА БИР СИНОВ

Эртага «Ёшлик» спорт аренасида баскетбол бўйича мамлакат биринчилигининг олий лигасида қатнашаётган «Университет» мамлакатимиздаги энг кучли коллективлардан бири бўлган Москванинг «Динамо» командаси билан майдонга чиқади. Бу учрашув чемпионатда илк марта қатнашаётган ҳамшаҳарларимиз учун яна бир синов бўлади.

Маълумки, тошкентлик баскетболчилар кейинги уч учрашувни сафарда ўтказиб, уч марта мағлубиятга учрашди. Шунга қарамасдан уларнинг Москвада «Динамо» командаси билан бўлган учрашувлари мутахассисларда яхши таассурот қолдирди. Фақат сўнгги дақиқаларга қадар кучларни тенг тақсимлай олмаслик туфайли улар мағлубиятга учрашди.

Тошкентлик спортчилар ўзгаларнинг майдонида ҳали бирор марта ҳам ғалабага эришганлари йўқ. Аксинча, ўз майдонларида икки марта майдондан мағлуб бўлиб чиқишди. Улар олий лигада мустаҳкам ўрнашиб қолиш учун имкониятлардан тўғри фойдаланишлари керак. Эртага бўладиган учрашув ана шу масалани ҳамшаҳарларимиз қандай ҳал қилаётганликларини аниқлаб беради.

Қишки каникул кунларида ҳам мактаблар гавжум. Ёшлар завқ-шавқ билан дам олишяпти. С. Раҳимов районидаги 28-мактабда 9 ва 10-синф ўқувчилари янги йил карнавалини жуда маз. мунли ва қизиқарли ўтказишди.

СУРАТЛАРДА: 9-синф ўқувчиси Ш. Давлатова қўшиқ ижро этмоқда; ўқувчилардан Г. Усмонова ва М. Бойматовалар турли миллат кийимларини намойиш қилишяпти; М. Шерматова билан К. Юнусхўжаева «Почта» интермедиясини кўрсатиш. моқда.

Ҳ. Мирзакаримов фотолари.

ОИЛАВИЙ АНСАМБЛЬ

Андижондаги пионерлар саройида ўтказилган янги йил кечасида биринчи марта саҳнага чиққан уч яшар Юлдуз Қодировлар ҳаваскор оиласвий ансамблининг саккизинчи қатнашчиси бўлди. Оила бошлиғи Абдуғофур Қодиров ана шу ансамбль ташкилотчиси ва доимий раҳбаридир. 1957 йилда Москвада ёшлар ва студентларнинг жаҳон фестивалида у доирачи ва ҳаваскор раққос сифатида ўз санъатини намойиш этган эди. Кейин Абдуғофур педагогика институтини тугатиб, мактабда ишлай бошлади. Лекин санъатга бўлган муҳаббати сўнмади. Педагогика билимлари А. Қодировга унинг ишида—«Андижон полькаси» — болалар рақс ансамблига раҳбарлик қилишда ёрдам бермоқда.

Қодировларнинг оилавий ансамбли эса етти йил муқаддам халқ талантлари республика конкурсларида ўғли Абдувоҳид билан бирга халқ хазили рақсини ижро этганидан кейин вужудга келди. Шу тариқа давом этди. Болалар улғайишди ва ҳар бири ансамблда иштирок эта бошлади. Ота болалар ўйинлари асосида янги-янги рақслар яратади. Отанинг ўзи доира чалади. Унинг доира чалишидан завқланиб болалар ўз-ўзидан ўйинга тушиб кетади.

Болалар вояга етмоқда. Уларнинг ҳар бири ҳаётда ўз йўлини танлаётмоқда. Абдуқаҳҳор ҳунар-техника билим юртида таълим олмоқда. У автомобилларни ремонт қилувчи слесарь бўлиб етишади. Абдурашид ошпазликка ўқимоқда. Ҳаким мактабни битирмоқда. Қизлари Баргиной билан Барно мактаб ўқувчилари, улар шифокор бўлишни орзу қилишади. Олти яшар Абдузоҳид келгуси йили биринчи синфга боради.

Ҳозирча ансамблда фақат саккиз ойлик Феруза ҳам қатнашмайди. Лекин Қодировлар ҳазиллашиб айтганларидек, бу оилада болалар атаклечак қилишдан аввал рақсга тушишни ўрганишади.

У. САКСОНБОЕВ.
ЎзТАГ мухбири.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.